O‘ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№21-22 (774-775) 2024 йил **8 март**, жума
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# 8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУН ХАЛҚИМИЗ ҚАТОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳаётимиз қувончи, файзу фариштаси бўлган муҳтарама онахонлар, ҳурматли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Бугун сиз, азизлар билан мана шундай тантанали анжуманда учрашиб, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбдан қутлаш мен учун улкан шараф ва саодатдир.

Барча-барчангизга самимий меҳрим ва чексиз ҳурматимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ўзларингиз каби гўзал байрамингиз муборак бўлсин!

Муҳтарам ватандошлар!

Ушбу шукуҳли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сут бериб, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўътабар аёл зотига таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш аввало азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади.

Шу маънода, Мир Алишер Навоий бобомизнинг, **жаннат боғидан баҳрамандлик истар экансан, аввало, мунис онани рози айлагин**, деган сўзларини биз энг эзгу даъват сифатида қабул қиламиз.

Биз ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, бутун борлиғимизни сиз, қадрли опа-сингилларимиздан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Сизлар биз учун ҳамиша гўзаллик ва назокат, меҳр ва садоқат, қаноат ва шукроналик тимсоли бўлиб келгансиз ва доимо шундай бўлиб қоласиз. Мана шундай олижаноб фазилатларингиз билан бизларга ҳамма вақт куч-ғайрат, ҳаётга, келажакка ишонч бағишлаб келаётганингиз учун сиз, азизларга ҳар қанча таҳсин ва таҳсинолар айтсак, арзийди.

Ҳурматли опа-сингиллар!

Юртимизда меҳнаткаш, олижаноб халқимиз, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг энг устувор вазифаси этиб белгиланган. Жумладан, **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** доирасида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда, аввало, миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиб, опа-сингилларимиз учун янада кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бунинг тасдиғини биргина мисол, яъни, сайлов кодексимизда депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи ёки ҳар 5 нафаридан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилганида яққол кўриш мумкин.

Бугун ушбу муҳташам залда ҳурматли депутат ва сенатор аёлларимизни кўриб турганимдан хурсандман. Мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган қонунларимизнинг адолатли ва таъсирчан бўлишида уларнинг ҳам албатта ҳиссаси катта. Бунинг учун халқ вакиллари бўлган бу аёлларимизга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга етгани айниқса эътиборлидир. Шу билан бирга, юзлаб оқила аёллар ҳаётимизнинг барча соҳаларида жонбозлик билан фаолият кўрсатаётгани барчамизни қувонтиради.

Бу борада Гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси самарали иш олиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳаларига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг нафар хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Энг асосийси – 400 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, хотин-қизларга ажратилган 6 триллион сўмлик ипотека кредитлари ҳисобидан 25 мингдан зиёд оилалар ўз уйига эга бўлди. Бу борада 6 минг 200 нафар аёлга уй-жой шароитини яхшилаш ва кредитнинг бошланғич бадалини тўлаш учун 200 миллиард сўм субсидия ажратилганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жойларда хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида “Аёллар дафтари” бўйича 1 триллион 234 миллиард сўм ҳисобидан қарийб 994 минг нафар хотин-қизнинг муаммоси ҳал этилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Бу вазифаларни бажаришда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг иштироки кучайиб бораётгани айниқса муҳимдир. Улар томонидан “хонадонбай” ўрганишлар натижасида ижтимоий ёрдамга муҳтож 690 мингдан зиёд оилага манзилли ёрдам кўрсатилгани, 116 мингта нотинч оилада муҳит соғломлаштирилганини бугун алоҳида эътироф этамиз.

▶ 2-бет









## ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, АВВАЛО, АЗИЗУ МУКАРРАМА АЁЛЛАРНИ УЛУҒЛАШДАН БОШЛАНАДИ

### Тошкент шаҳрида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, аёлларга самимий меҳри ва ҳурматини изҳор этди.

– Биз ҳар йили бу кунни интиқлик, қалбимизда ажиб иликлик билан кутамиз. Ушбу шукуҳли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сут, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўътабар аёл зотига таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, аввало, азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади, – деди Президент.

Мамлакатимизда бу мақсад йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенгликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу барча соҳаларда намоён. Масалан, сиёсий соҳани олсак, сайлов кодексимизда депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи ёки ҳар 5 нафаридан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги белгиланган. Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фоиздан 35 фоизга ошган.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баравар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 400 мингдан кўпи иш билан таъминланди.

Келажак тарбиячилари бўлмиш қизлар камолотига катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабанинг ярмидан кўпини қизлар ташкил этмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга мансуб хотин-қизлар қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинмоқда. Улар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг контракт пулини қоплаб бериш йўлга қўйилган.

Юртимиз хотин-қизлари илм-фанда ҳам катта натижаларга эришмоқдалар. Сўнгги етти йилда 5 минг 247 нафар аёллар илмий даражалар олган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизини қизлар ташкил этган.

– Қанчалик қийин бўлмасин, биз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратмоқдамиз ва бу ишларимиз, албатта, давом этади. Чунки аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-ҳунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили Давлат дастурида белгиланган, хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Бу борада Сенат Раиси бошчилигида махсус комиссия тузилиб, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишлар мутлақо янгича ёндашувлар ва тизим асосида ташкил қилинади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳокимликларнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда фаол аёллар Комиссия билан биргаликда жорий йилда 9 442 та маҳалладаги 580 мингга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлашга масъул этиб белгиланади.

Умуман, бир ой муддатда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларни амалга ошириш учун 15 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Жанубий Корея ва Германиядан 100 миллион доллар грант жалб қилинади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари, “маҳалла еттилиги” таркибидаги хотин-қизлар фаоллари аёлларга кўмакчи, оилавий масалаларда яқин сирдоши бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Аёл зоти учун энг улуғи – оналик бахти. Юртимиз аҳолиси ҳар йили қарийб 900 мингга кўпаймоқда. Уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муқаддас бурч.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари барча аёлларга мурожаат қилди.

– Биз маънавий тарбия ишларини энди мутлақо янгича усулда олиб боришимиз керак. “Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз” деган ғоя асосида бу жараённи, аввало, оиладан, маҳалладан бошлашимиз лозим. Зотан, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдиролмайди”. Муҳтарама опа-сингилларимиз, дуогўй онахонларимизнинг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади, – дея таъкидлади Президент.

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Жаҳон банкининг куни кеча эълон қилинган индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилди. Жорий йилда юртимиз яна бир йирик анжуман – Осиё хотин-қизлар форумига мезбонлик қилади.

Президентимиз байрам тадбирида қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилаларини ҳам самимий қутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мартдаги қарорига биноан эса 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан, 5 мартдаги фармонга мувофиқ турли соҳаларда фаол бўлган аёллар орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган хотин-қизлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилалари файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлади.

Байрам тантанали концерт дастури билан давом этди.

**ЎзА.**

◀ 1-бет

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУТУН ХАЛҚИМИЗ ҚАТОРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ УЧУН ҲАМ МУНОСИБ ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда бўлғуси оналар, келажак тарбиячилари бўлмиш қизларимиз камолотига, уларнинг олий таълим олиши, замонавий касб-ҳунар ва технологиялар, хорижий тилларни эгаллашига катта аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабанинг ярмидан кўпи – эътибор беринг, ярмидан кўпи, яъни, 653 минг нафардан зиёдини қизлар ташкил этмоқда. Магистратурада ўқиётган ёшларимиз орасида қизларнинг улуши янада кўп, яъни салкам 14 минг нафарни ташкил этмоқда. Бу – жами магистрантларнинг қарийб 60 фоизи дегани.

Жорий ўқув йилида эҳтиёжманд оилаларга мансуб 1 минг 914 нафар хотин-қиз олийгоҳларга қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинди. 181 минг 500 нафардан ортиқ қизларимиз учун имтиёзли таълим кредитлари ажратилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг вакиллари, етим қолган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 2 мингдан зиёд талаба учун 14 миллиард 500 миллион сўм контракт пули маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қоплаб берилди. Сўнгги йилларда давлат олийгоҳларининг магистратура бўлимида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пуллари бюджетдан тўланмоқда.

Энг муҳими, қизларимиз ўртасида замонавий билим ва касб-ҳунарларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Масалан, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизи, яъни қарийб ярмини қизлар ташкил этган.

Кейинги пайтда юртимизда илм-фан ва таълим, хусусан, олий таълим соҳаси ислоҳ этилиб, жаҳон стандартларига мослаштирилаётгани сабабли хотин-қизлар бу йўналишда ҳам катта натижаларга эришмоқдалар. Бунинг амалий ифодасини сўнгги етти йилда 5 минг 247 нафар аёлларимиз фан доктори (DSc) ва ўз соҳалари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олгани мисолида кўриш мумкин. Биргина 2023 йилнинг ўзида 147 нафар хотин-қиз фан доктори, 1 минг 238 нафари эса фалсафа доктори илмий даражасига эришгани барчамизни мамнун этади.

Ҳозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин олима аёлларимиз фаолият кўрсатмоқда. Олийгоҳларда эса 14 мингдан зиёд опа-сингилларимиз педагогика ва илмий-тадқиқот йўналишида иш олиб бормоқда.

Бу рақамлар нимадан далолат беради?

Бу, аввало, қизларимиз, опа-сингилларимизнинг интеллектуал салоҳияти нақадар баландлигидан, агар тегишли шароит ва имконият яратиб берсак, улар ҳар қандай юксак марраларни забт этишга қодирлигидан далолат беради.

Албатта, оила юмушлари, фарзанд тарбияси билан бирга, турли соҳа ва тармоқларда фидокорона хизмат қилаётган опа-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш доимо давлатимиз эътиборида бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида 17 нафар ҳурматли аёлларимиз "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган олий унвонга сазовор бўлган бўлса, уларнинг 7 нафари фан, таълим ва санъат соҳаси вакиллари эканини алоҳида таъкидлаш лозим. 11 нафар аёл фан соҳасидаги энг юксак даражага, яъни академик унвонига сазовор бўлгани, минглаб хотин-қизларимиз давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланиб келаётгани эл-юртимизнинг уларга нисбатан юксак эҳтироми ифодасидир.

Азиз ватандошлар!

Ҳаммамизга маълумки, бугун дунёда мураккаб ва оғир вазият, иқтисодий инқироз ҳукм сурмоқда. Табиийки, бу ҳолат мамлакатимизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бундай шароитда ижтимоий соҳалар учун бюджетдан маблағ ажратиш албатта осон бўлаётгани йўқ. Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, биз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратмоқдамиз ва бу ишларимиз албатта давом этади. Чунки аёлларнинг, хусусан, **қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-ҳунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли учун, шу асосда бутун жамият равнақи учун хизмат қилади**.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Опа-сингилларимиз саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш инсон қадрини улуғлашнинг ўзак масаласидир. Шу мақсадда 2023 йили 6 миллион 500 минг нафардан зиёд аёллар тиббий текширувдан ўтказилиб, уларга зарур маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу каби эзгу ишларимизнинг давоми сифатида Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш вазифалари алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу борада, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш мақсадида, Сенат Раиси Т. Норбоева бошчилигида махсус комиссия ташкил этилади. Ушбу комиссия келгуси йил 8 мартга қадар ҳар бир ҳудудда "фавқулодда ҳолат" режимида ишлаб, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича ишларни мутлақо янгича ёндашувлар ва тизим асосида ташкил қилади.

Мазкур комиссияда "Халқ банки" раисининг ўринбосари Г. Рашидова хотин-қизларнинг бизнес ғояларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлади. Шунингдек, Савдо-саноат палатаси, "Бизнесни ривожлантириш банки" ва "Микрокредитбанк"да ҳам аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш бўйича алоҳида раис ўринбосарлари иш бошлайди. Ана шу раҳбарлар ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллада янги бизнес ғояларига эга хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳар томонлама кўмак берадилар.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда фаол аёллар комиссия билан биргаликда жорий йилда 9 минг 442 та маҳалладаги 580 минг нафарга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш учун масъул этиб белгиланади.

Бу борада маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик учун кредитларнинг камида 40 фоизи аёллар таклиф этган лойиҳаларга йўналтирилади. Шу мақсадда ҳар бир ҳудудда хотин-қизлар учун ҳунармандчилик, тадбиркорлик марказлари ва кластерлари ташкил этилади. Ушбу масканларда 205 минг нафар опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрланади ҳамда тадбиркорлик асосларига ўргатилади.

Шунингдек, "Ёшлар дафтари"га киритилган 8 минг нафар хотин-қизга ўз бизнесини бошлаши ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун субсидия, 10 минг нафарига эса имтиёзли кредитлар ажратилади. 50 минг нафар ёш аёллар учун малакали мутахассислар иштирокида "Бизнес марафон" лойиҳаси ташкил этилади. Ушбу лойиҳа доирасида юзлаб қобилиятли қизларимизга ўз бизнесини йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам берилади.

Умуман, бир ой муддатда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларни амалга ошириш учун 15 триллион сўм, жумладан, оилавий тадбиркорлик лойиҳаларига 6 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Жанубий Корея ва Германиядаги элчиларимиз аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 100 миллион долларлик грантларни жалб қилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказишга муҳтож 2 минг нафар хотин-қиз давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан даволанади.

Шу билан бирга, 1 миллион нафар ҳомиладор аёл ҳамда 1 миллион 500 минг нафар эмизикли она йод препарати, қарийб 6 миллион нафар репродуктив ёшдаги аёллар темир ва фолий кислотаси билан бепул таъминланади.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 4 минг нафар хотин-қизларга уй-жой ажратилади. Шу тоифадаги 3 минг нафар аёл учун мураккаб тиббий операциялар бепул ўтказилади.

Юртимизда "Қизлар академияси" платформаси яратилиб, 100 минг нафар опа-сингилларимизга молиявий, ҳуқуқий, психологик, репродуктив билим бериш йўлга қўйилади.

Бундай амалий ишларимиз рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Яқинда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилганидан хабарингиз бор. Бу эса аҳолининг, биринчи навбатда, хотин-қизларимиз муаммоларини ҳал этиш бўйича янги имкониятлар очиб бермоқда.

Айниқса, "Маҳалла еттилиги" таркибидаги хотин-қизлар фаолларидан биз катта натижаларни кутиб қоламиз. Опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларига ечим топиш, керак бўлса, оилавий масалаларда аёлларимизнинг яқин сирдошига айланиш улар учун биринчи даражали вазифа бўлиши лозим.

Дунёда ўхшаши бўлмаган бундай тизимни жорий этишдан мақсад ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қуйи бўғиндан бошлаб самарали ҳимоя қилиш эканини сиз, азизлар албатта яхши тушунасиз. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш йўлида ташланган янги бир амалий қадам, десак, тўғри бўлади.

Азиз юртдошлар!

Ватанни севиш, унга садоқат билан хизмат қилиш, эл-юрт учун муносиб фарзандлар тарбиялаш – бу дунёдаги энг улуғ ва шарафли ишдир. Меҳрибон ва оқила, жонкуяр аёлларимиз бу борада ҳамиша фидойилик кўрсатиб келмоқдалар.

Маълумки, ҳар йили аҳолимиз сони қарийб 900 минг нафарга кўпаймоқда. Жорий ўқув йилида 733 минг нафар фарзандларимиз биринчи синфга қадам қўйди. Эртага ҳаётимизга қудратли тўлқин бўлиб кириб келадиган ана шундай навқирон авлодимиз тимсолида биз Янги Ўзбекистон бунёдкорларини кўрамиз.

Шу боис, ўғил-қизларимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларни миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етказиш барчамизнинг асосий бурчимизга айланиши зарур.

Бугунги таҳликали замонда жаҳон миқёсида кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик, ҳаётга енгил-елпи, истеъмолчилик кайфияти билан қараш каби хатарлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш ўта долзарб масалага айланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча аёлларга мурожаат қилмоқчиман.

**Азиз опа-сингиллар, оилада фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтирайлик, боғча, мактаб ва олийгоҳларга кириб борайлик.**

**Ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, фарзанд ва набираларимизнинг ўқиши, давомати масаласи, ахлоқ-одоби билан қизиқайлик**.

**Болаларимизни билимли ва ақлли, оқни қорадан ажрата оладиган, эл-юртимизга содиқ, ҳаёли ва иболи, мустаҳкам иродали инсонлар этиб тарбиялаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилайлик.**

Биз маънавий тарбия ишларини энди мутлақо янгича усулда олиб боришимиз керак. **"Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз"** деган ғоя асосида бу жараённи аввало оиладан, маҳалладан бошлашимиз лозим.

Зотан, ҳадиси шарифда айтилганидек, **"Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдиролмайди"**.

Муҳтарама опа-сингилларимиз, дуогўй онахонларимизнинг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади.

Чиндан ҳам, жондан азиз болаларимиз ҳамма ҳавас қиладиган таълим ва тарбия олса, биласизларми, жамиятимиз, ҳаётимиз қандай ўзгаради?

Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бу вазифани адо этишда биз аввало сиз, азизларга ишонамиз ва таянамиз.

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича тўпланган миллий тажриба халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон банкининг куни кеча эълон қилинган индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги **энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат** қаторида қайд этилди.

"Аёллар, бизнес ва қонун" деб номланган ушбу йиллик ҳисоботда дунёнинг 190 та давлатидаги ҳолат 10 та кўрсаткич бўйича баҳолаб борилади. Янги индексда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари ва оиладаги зўравонликка қарши кураш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар муваффақиятли деб топилган. Ўзбекистон бу борада яхши натижага эришгани эътироф этилган.

Ўтган йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган нуфузли халқаро хотин-қизлар форумларида ҳам мустақил таҳлилчи ва экспертлар томонидан айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Буларнинг барчаси албатта биз биргаликда қўлга киритган катта ютуқ бўлиб, бу ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Жорий йилда мамлакатимиз яна бир йирик анжуман – **Осиё хотин-қизлар форумига** мезбонлик қилади. Мазкур анжуман "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – Хотин-қизлар" тузилмаси билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Бу форум гендер сиёсати, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиётдаги иштирокини янада кенгайтириш бўйича самарали мулоқот майдони бўлади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилаларини ҳам самимий қутлаймиз. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига чин дилдан тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Хабарингиз бор, ҳар йили 8 март айёмида турли соҳалардаги дастлабки ютуқлари учун буюк ўзбек шоираси – Зулфияхоним номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган истеъдодли қизларимизни муборакбод этамиз.

Бугунги байрам тадбиримиз ана шу қизларимиз, уларнинг ота-оналари, устозлари учун, ўйлайманки, унутилмас тарихий воқеа бўлиб қолади.

Сиз, азиз фарзандларимни юксак мукофот билан ўз номимдан, халқимиз номидан самимий табриклайман. Бундай улкан эътирофни келажакда катта-катта ютуқлар билан албатта оқлайсизлар, деб ишонаман.

Айни вақтда бугунги байрам арафасида меҳнат ва жамоатчилик фаолиятида муҳим натижаларга эришган, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ҳурматли аёлларимиздан катта бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Барчамиз уларни чин қалбдан қутлаб, келгуси ишларига янги муваффақият ва омадлар тилаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

Сиз, азизларни бугунги баҳор ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилайман.

Ҳар бирингизга ҳамиша оилангиз, фарзанду набираларингиз, эл-юртимиз ардоғида бўлиш насиб этсин!

Катта раҳмат сизларга!

# ВАЗИРЛИКДА БАЙРАМ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.**



Албатта, аёллар доимо эъзозда, эътиборда. Байрам тадбирида бу яна бир марта намоён бўлди. Тантана қатнашчиларини қутлуғ шодиёна билан самимий қутлаган Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров хотин-қизларни байрам билан табриклар экан, юртимиз аёллари фарзанд тарбияси, оила ҳаётидаги фидойилиги билан жамиятимиз мустаҳкамлиги ва эртанги кунига замин яратаётганлигини алоҳида таъкидлади. Юртимизда эришилаётган қувонарли ютуқлар ва барча жабҳаларда юксак марраларни қўлга киритишда ҳаётимиз файзи бўлган мунис ва дилбар оила бекаларининг ўзига хос муносиб ўрни борлиги алоҳида қайд этилди.

– Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади, – деди Батир Закиров. – Биз барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз.

Шунингдек, байрам тадбирида нафақат қурилиш ва коммунал соҳада, балки ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ва ташаббускорлиги, ўзининг самарали меҳнати билан оила бахти ҳамда фаровонлигини мустаҳкамланишига ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларга байрам совғалари топширилди.

Худди шундай байрам тадбири Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Козим Тўлаганов сўзга чиқиб, инспекциянинг марказий ва ҳудудий бўлимларида фаолият олиб бораётган барча хотин-қизларни самимий табриклади.

Шунингдек, тадбирда республикамизнинг турли вилоятларидан келган ҳудудий инспекцияларда фаолият юритадиган аёллар ҳам муносиб тақдирланишди. Бундай эътибордан уларнинг қувончи ва ўз ишига шижоати янада оратиши, шубҳасиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-341.
1763 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№21-22 (774-775) 2024 йил 8 март



# ЖАМОАДОШЛАРНИНГ ФАХРИ, ШОГИРДЛАРНИНГ СУЮКЛИ УСТОЗИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳаётда шундай инсонларга дуч келамизки, улар билан бир маротаба суҳбат қурганимиз ҳамон худди йиллар давомида таниш бўлгандек ҳис қиламиз ўзимизни. Минг йиллик қадрдонлардек суҳбатга киришамиз.**
**Байрам арафасида Президентимиз фармонига кўра "Дўстлик" ордени билан тақдирланган Тошкент шаҳридаги "12-трест" акциядорлик жамиятининг архитекторлар ва дизайнерлар бўлими етакчи архитектори Наиля Ягафарова ҳам худди шундай дилкаш аёл экан.**



1961 йилда Тошкент вилоятида туғилган Наиля Ягафарова мактабни тамомлаб, Тошкент шаҳридаги Қурилиш техникумига ўқишга киради. Техникумни аъло баҳоларга битирган бўлажак архитектор танлаган соҳасининг малакали мутахассиси бўлиш мақсадида Тошкент политехника институтининг Архитектура факультетига ҳужжат топширади. Институтни битиргандан кейинги илк иш фаолиятини "УзЛИТИ" институтида лойиҳаловчи архитектор сифатида бошлаган.

2010 йилдан эса "12-трест" акциядорлик жамиятининг етакчи архитектори сифатида ишга киришади. Шу йиллар давомида юртимиздаги кўплаб йирик объектларни барпо этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

1981 йилдан буён архитектура ва лойиҳалаш йўналишида фаолият юритиб келаётган Наиля Мунировна Самарқанд шаҳридаги Улуғбек обсерваториясини реконструкция қилиш лойиҳаси устида иш олиб борган. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Симпозиумлар саройи каби давлат аҳамиятидаги йирик объектлар қурилишларида ҳам фаол иштирок этган. Сўнгги беш йилдан буён Ислом цивилизацияси маркази қурилишида ишлаб, унинг мукаммал ва сифатли тарзда яратилишида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. У ўз ишига пухталиги, ҳар бир вазифани мукаммал даражада бекаму кўст бажариши туфайли жамоадошлари ҳурматини ҳам қозонган.

– Ушбу мукофот ҳаётимдаги энг катта эътирофлардан бири бўлди, – деди Наиля Ягафарова биз билан хурсандчилигини бўлишаркан. – Тўғрисини айтсам, камтарона меҳнатларим шундай юксак баҳоланганидан қувончим чексиз. Демак, юртимиз бунёдкорлик соҳасига қўлимдан келганича қўшаётган ҳиссам беиз кетмапти. Энди бу ишончни оқлаш учун янада кўпроқ ишлаб, юртимиз архитектура соҳаси ривожига ҳисса қўшишда давом этаман.

43 йиллик иш тажрибасига эга архитекторнинг бу соҳага қизиқиши қандай уйғонганини сўраганимизда шундай жавоб берди:

– Болалигимдан архитектура соҳасига, сурат ва чизмалар чизишга қизиқишим баланд бўлган. Айниқса, юртимиздаги қадимий бинолар – Хоразм, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги мақбараю мадрасалар архитектураси мени доимо ҳайратга солиб келган. Ана шу қизиқиш мени келажакда архитектор бўлишга ундаган, десам адашмаган бўламан. Ўзим орзу қилган касбни танлаганим учунми, унинг машаққатларидан ҳам завқ оламан, ишлаб чарчамайман. Энди ишга келган ёш кадрларга ўз билим ва тажрибамни ўргатиш орқали уларнинг малакасини оширишга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Ўз ишини севадиган, унинг ҳар бир жиҳатига катта эътибор билан қарайдиган тажрибали архитекторни бугунги байрам ва юксак мукофот билан яна бир бор қутлаб, келгуси ишларига улкан зафарлар тилаймиз!

# 120 МЕТР БАЛАНДЛИК... ҳали охири эмас

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbeksiton bunyodkori" мухбири.

**Сўнгги йилларда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш масаласида катта ишлар амалга оширилди. Буни давлат ва хусусий секторда ишлаётган аёллар салмоғи ошишида ҳам кўриш мумкин. Инклюзив тартибда ишлаш, кишиларнинг жинси ва ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барча тенг ҳуқуқли деган тамойил бош мезонимизга айланди. Ҳаттоки оғир иш тури ҳисобланувчи, асосан эркаклар сони юқори бўладиган қурилиш соҳасида фаолият юритадиган аёллар сафи ҳам сўнгги йилларда ошиб бормоқда.**



Бугун сизга ҳикоя қиладиган довюрак, шижоатли қаҳрамонимиз ҳам қурилиш соҳасида 9 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда. Айниқса, 8 март арафасида "Шуҳрат" медали билан тақдирлангани қаҳрамонимиз ҳаётида эсда қоларли ютуқлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Зиёда Супиева 1982 йилда таваллуд топган. Мактабни битириб, коллежда ўқишини давом эттиради. Коллежни битирибоқ, тақдир тақозоси билан турмушга чиқади. Бу орада 3 та фарзандни дунёга келтириб вояга етказади. Фақатгина 33 ёшига келибгина шахсий карьерасини бошлашни, қайсидир соҳада меҳнат қилишни кўнглига тугиб, ҳаракатни бошлайди. Ўзи болалигидан қизиққан кран бошқарувчиси бўлишни мақсад қилади. Шу соҳа бўйича таълим олиб, қисқа муддатда соҳа сир-асрорларини ўзлаштиради. Шу тариқа қаҳрамонимиз аввал кичик кранларни, сўнгра, катта миноралы кранларни ҳам бошқара бошлайди.

Зиёда Супиева Олой бозори яқинида 9 қаватли бино, "REAL HOUSE" компанияси қураётган катта гипермаркет, қурилаётган 2 лотда, ТТЗ даҳаси томонда қад ростлаётган шифохонада ҳам энг баланд минорали кранда фаолият кўрсатмоқда. Ҳамиша ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келадиган Зиёда опа ўз касбининг ростмана устаси. Президентимиз томонидан "Шуҳрат" медали билан тақдирлангандан сўнг тасвирлаш қийин бўлган ҳиссиётларни бошдан ўтказганини таъкидлади. Бу ҳақда ўзи шундай деди:

– Ёшлигимдан баландликдан қўрқмайман. Бошим айланмайди. Шу сабаб касбимдан завқ оламан. Аммо "Шуҳрат" медали билан тақдирланганимдан сўнг мақтовлар ва эътирофдан бошим айланиб қолгани ҳам бор гап. Оддий одам учун бундай юксак мукофот жуда катта далда, бахт ва қувонч беради. Ҳатто ҳаяжонланганимдан гапимни ҳам топиб гапиролмаяпман. Буни сиз ҳам сезиб турган бўлсангиз керак. Касбимни жуда яхши кўраман. Мен улкан бинолар тамалини қўйишда, осмонга бўйлашишида бевосита иштирок этаман. Охирги ишлаган ишимда 120 метр баландликка кўтарилдим. Бу ҳам ўзига хос адреналин, ҳам катта масъулият деганидир. Юртбошимизга эътибор ва қўллаб-қувватлаш учун миннатдорлик билдираман. Барча хотин-қизларимизга байрам муборак бўлсин. Бахтли кунларингиз, ҳаётий, касбий муваффақиятларингиз бардавом бўлсин.

Биз ҳам ушбу байрам билан барча аёлларимизни, оналаримизни, опа-сингилларимизни чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Қаҳрамонимиз Зиёда Супиевага ҳам гулдай очилиб, соғ-саломат меҳнат қилиб, гўзал ва бахтли ҳаёт кечиришини тилаймиз. Ҳалол ва сидқидилдан халққа хизмат қилаётганлари учун алоҳида ташаккур билдирамиз!



# МЕҲНАТНИНГ САМАРАСИНИ КЎРИШ – БАХТ!

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан давлат раҳбари томонидан мамлакатимизда ўзининг меҳнати, тажрибаси билан юртимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизлардан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланиши анъанага айланган. Сўнгги йилларда уларнинг орасида ободонлаштириш ходимларининг борлиги қувонарли ҳолат.**

Ана шундай мукофот соҳибалари орасида Тошкент шаҳри ободонлаштириш бош бошқармасининг марказий майдонларни ободонлаштиришга ихтисослаштирилган бошқармаси, Олий Мажлис майдони ободонлаштириш ишчиси Эътибор Шукурова ҳам бор. У "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Соҳада 30 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Эътибор опа 1961 йил 3 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент политехника техникумини 1982 йилда тамомлаб, мутахассислиги бўйича технолог сифатида иш бошлаган. У 2002 йилдан буён Олий Мажлис биноси атрофидаги майдонда ободонлаштириш ишчиси вазифасида ишлаб, уни шаҳримизнинг энг кўркам ҳудудларидан бири бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.



Эътибор Шукурова ободонлаштириш соҳасида кўп йиллар давомида самарали меҳнат қилиб келаётган тажрибали, ўз ишининг мутахассиси сифатида ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган. Олий Мажлис биноси атрофидаги майдонда мавсумий гуллар, дарахт кўчатлари экиш, парваришлаш опанинг севимли машғулоти. Хусусан, у мазкур майдонда 2023 йилда 103 300 дона мавсумий гул кўчати, 1 810 дона дарахт ва буталарни экишда фаол иштирок этган.

Эътибор опа кўп йиллардан бери ўз ишининг моҳир устаси сифатида бошқарма тасарруфидаги байрам тантаналари ва турли нуфузли ташрифлар бўлиб ўтадиган жойларда гуллар экиб, парвариш қилиш билан шуғулланади. Шунингдек, улардан чиройли композициялар яратиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, тозалик ҳолатини доимо сақлашда, берилган вазифаларни режали бажаришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳамкасбларининг эътироф этишича, у ҳар бир ишга ва берилган вазифаларга масъулият билан ёндошади. Гул ва кўчатларни экиш, майдон тозалиги, санитар ҳолатига боғлиқ барча жараёнларни пухта ўзлаштирган ҳолда ҳамкасбларини ҳам шаҳримиз тозалиги йўлида олиб бораётган ишларини чин дилдан адо этишга чақиради. Эътибор опа ташкил этиладиган ҳашарларда мунтазам равишда қатнашиб келмоқда. У майдонга келган янги ходимлардан гул ва бута кўчатларини экиш, парваришлаш бўйича маслаҳатларини аямайди.

Бугун унинг мана шу меҳнатлари ўз самарасини бериб, қадр топди десак, адашмаган бўламиз. Зеро, "Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат", дея доно халқимиз бежиз айтмаган.

# ЮКСАК ЭЪТИБОР КАТТА ТАШАББУСЛАРГА УНДАЙДИ

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Хотин-қизларни халқимиз каби эъзозлайдиган юрт топилмаса керак. Уларни баҳорга қиёсланишида ҳам катта маъно бор. Баҳорнинг гўзаллиги сингари аёл бор жойда ҳамиша саранжом-сариштaлик, озодалик ва тотувлик ҳукмрон бўлади. Бу бетакрор хислатлар кейинги йилларда тўлақонли рўёбга чиқди, десак муболаға бўлмаса керак.**

"Ўзйўлкўприк кластери Фарғона филиали" давлат муассасасининг 475-йўл бўлими ишчиси Матлуба Юлбарсова ўзига бириктилган Фарғона, Қувасой шаҳарлари ҳамда Тошлоқ, Қува, Фарғона каби туманлар ҳудудида жойлашган 44 километр масофадаги йўлларни таъмирлаш, тозалигини сақлаш ишларида ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётган аёллардан бири. Эсини танибдики, бажарадиган вазифаси фақат оғир меҳнат билан боғлиқ. Аммо бу касбни танлаганидан ҳеч қачон афсусланган эмас. Аксинча, шу соҳани танлаб, касбим-фахрим деб билгани учун эл-юрт орасида обру-эътибор топганидан мамнун.



Айниқса, бу йилги 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами опанинг бир умр ёдидан чиқмаса керак. Президентимизнинг фармонига кўра, шарафли меҳнатлари қадрланиб, у "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Давлат даражасидаги бу юксак эътибор Матлуба Юлбарсовани ўз соҳасида янада кўпроқ изланиш қилиб, ташаббус кўрсатишга ундаши шубҳасиз.

# ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ҚИРҚ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

**5 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мамлакатимизда ўзининг самарали меҳнати, бой тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизлар муносиб тақдирланди.**



Шу йил 65 ёшни қарши олган жиззахлик Шарофат Якубова ҳам "Шуҳрат" медали билан мукофотланди. Шарофат опа Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани ободонлаштириш бошқармасида ҳудуд тозаловчиси бўлиб ишлайди. Унинг 40 йиллик меҳнати бугун ўзининг муносиб эътирофини топди, дейишимиз мумкин. Шундай узоқ муддатда ўз ишини астойдил бажариб келган инсон учун бундай мукофот жуда ҳаяжонли бўлган, албатта.

– Иш фаолиятимни 1984 йилнинг март ойида бошлаганман, – деди Шарофат Якубова. – Ҳозирга қадар шу меҳнатимнинг ортидан ҳалол ризқ топиб келяпман. Уйда ҳеч ўтиролмайман, шу сабабдан бўлса керак, ишим ўзимга ёқади. "Шуҳрат" медали билан тақдирланганим ҳақидаги хабарни эшитганимда жуда ҳам ҳаяжонландим. Оила аъзоларимнинг, қолаверса, ҳамкасбларимнинг ҳам қувончи чексиз, барчаси табриклашмоқда. Бу мукофотни фақат ўзимники эмас, балки бутун жамоамизники деб биламан. Ушбу мукофот менга келгусидаги ишларимда янада куч-қувват бағишлайди, десам муболаға бўлмайди.

Бугун қўшалоқ байрамни нишонлаётган Шарофат Якубовани ҳам мазкур мукофот билан, ҳам 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз! Узоқ ва мазмунли умр, қалб хотиржамлиги, оилавий саодат ҳамда келгуси ишларида муваффақият тилаб қоламиз!

**Ўз мухбиримиз.**


O'zGASHKLITI
QURILISHDA MUHANDISLIK QIDIRUVLARI, GEOAXBOROT VA SHAHARSOZLIK KADASTRI LOYIHA ILMIY-TEKSHIRISH INSTITUTI
XALQARO XOTIN-QIZLAR BAYRAMI BILAN SAMIMIY MUBORAKBOD ETAMIZ!
8 mart


"QISHLOQQURILISHLOYIHA" MCHJ
Muhtarama onaxonlar, aziz opa-singillar va mohichehra qizlarni bahorning ilk bayrami –
Xalqaro xotin-qizlar kuni
bilan tabriklaymiz.
Yurt taraqqiyoti va xonadonlarimiz saodati yo'lidagi mehnatlaringizda sizlarga kuch-quvvat va g'ayrat tilaymiz.
8
MART

# Аёлгалик нафис хилқат топилмас дунёда

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" газетаси
бош муҳаррири.

**Инсон қалбининг руҳий манзараларида ҳамиша ҳаётга, инсонга, ота-она,қариндош-уруғ, яқин жигарбандларга муҳаббат яшайди. Бироқ Аллоҳ инсонни шундай яратганки, аёл зотига, севимли ёрга бўлган муҳаббат уларнинг ҳаммасидан-да ўзгача, қандайдир улуғроқ бўлиб туюлади.**

Шоир ёзганидек:
*Йўлин йўқотса одам, муҳаббатга суянгай,*
*Ғуссага ботса одам, муҳаббатга суянгай...*

Бунинг сири табиат аёл тимсолида ҳаёт гултожини яратганидадир. Негаки, ҳаётни – авлодларни давом эттириш эҳтиёжи инсон қалбига буюк муҳаббат ато этади. Шундай улуғ туйғу бўлмаганида авлодлар давом этмас, улар орасида меҳр-муҳаббат ришталари ҳам бўлмас эди.

Инсон ҳаётининг гўзаллиги ва бетакрорлиги эса ана шу меҳр-муҳаббат туйғусининг бардавомлигида. Алишер Навоий ҳазратлари шунинг учун ҳам "жаннат Оналар оёғининг остидадир" дея лутф этади. Абдулла Орипов эса, қаттол уруш севикли ёри – паноҳидан айирган, бошқа турмуш қурмасдан ўн тўққиз ёшида биргина чақалоқ билан ўз аёллик оламида ёлғиз қолган келинчак ҳақида ёзар экан, шундай дейди:

*Наҳот ишқ қисмати шунча бераҳм,*
*Бунчалар буюксан вафо шеваси.*
*Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,*
*Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси!..*

*Назокат пайтимас яқинроқ келинг,*
*Буюк зот қошида айлангиз салом.*
*Шу содиқ бевага саждалар қилинг,*
*Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.*

*Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,*
*Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.*
*Шундайлар бўлмаса агар дунёда*
*Бу қадар муҳтарам бўлмасди АЁЛ.*

Ҳа, барча замонларда жамият онага, аёлга, ёрга ўз эҳтиромини изҳор этиб келади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг турли йилларда имзоланган фармон ва қарорларида ҳам мамлакатда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги кенг кўламли ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, намунали оила шакллантириш, оилавий қадриятлар ва унинг анъанавий маънавий-ахлоқий негизини мустаҳкамлаш, эрта никоҳлар, низоли ҳолатлар ва ажрашишлар олдини олиш, туғиш ёшидаги хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилишга давлат аҳамиятидаги долзарб масалалардан бири сифатида қараб келинмоқда.

Президентимизнинг юртимиз хотин-қизларига бўлган эътиборни кучайтириш борасидаги барча фармон ва қарорларининг аҳамиятини янада тўкис тасаввур қилиш ва, энг муҳими, англаб олиш учун мозийга шўнғиш шарт эмас, бор-йўғи ўн-ўн беш йил аввалги аҳволни кўз олдимизга келтириш кифоя. Мустабид замонларда-ку, аёлга арзон ишчи кучи – пахта қуллари сифатида қаралган эди. Истиқлолга эришилганидан сўнг ҳам, гарчи оғизда эҳтиром этсак-да, аёлларнинг оғир турмуши енгиллашмади. Айниқса, қишлоқлардаги оғир ҳаёт, тирикчилик, рўзғор ташвиши биринчи навбатда аёлларнинг бўйнига тушди. Ишсизлик авж олиб, эрлари иш ахтариб кетган ёлғиз аёллар бўйнига оила ташвиши илинди. Бунинг натижасида аждодлардан мерос бўлиб келаётган тарбия занжири узилди. Оилавий беқарорлик, ажримлар кўпайиб кетди. Болалар тарбияси, таълим жараёнларининг юзакилиги хавотир уйғота бошлади. Қишлоқ ва шаҳар типидаги аҳоли яшаш жойларида электр, табиий газ, суюлтирилган газ таъминоти издан чиққан, ободончилик ўз ҳолига ташлаб қўйилган, аксар қишлоқларнинг кўчаларига қараб бўлмас, мактабгача тарбия муассасалари, клублар ишламас, бир вақтлар қурилган бинолар нурай бошлаган эди. Бой бойиб, қашшоқ баттар қашшоқлашиб ётар эди...

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар энг аввало, аёлларнинг инсон сифатидаги қадрини кўтаришга қаратилди. Ахир уйида электр нур сочган, ўчоғида олов ловуллаб ёнган, фарзандлари боғчаю обод мактабларга талпинган оналар шодлигидан ҳам улуғ қувонч борми?! Юзлаб қишлоқ ва шаҳарлар обод бўлгани, уй-жойсиз қийналганларнинг қанчадан-қанчаси турар жойларга кўчиб ўтгани ва ўтаётгани, умуман, мамлакатда кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси аёлнинг, онанинг жамиятдаги мавқеини юксалтиришга қаратилгани, унинг онг ва тафаккурини жиловлаган маданий-маиший тушовлардан халос этиш – моҳиятан буюк эврилиш.

Ўрта мактаблардаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳудудлар марказларию чекка қишлоқларда минглаб мактабгача таълим ташкилотларининг қад ростлаши оналарнинг фарзанд тарбияси билан боғлиқ ташвишларини камайтирмоқда. Баркамол авлодни камолга етказиш йўлидаги улуғ вазифани қийналмасдан адо этиш борасида имконларини оширмоқда. Мамлакатда янги завод ва фабрикалар, саноат иншоотлари, кластерларнинг иш бошлаши, қурилиш ва бунёдкорлик жараёнларининг кенг миқёс касб этиши, оилавий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит берилгани туфайли неча юз минглаб, миллионлаб янги иш ўрни яратилаётгани эса, хатарли тус олган миграция жараёнларини жиловлашга йўл очаётир. Ўз юртида, ўз оиласи бошида ишлаган одамнинг кўнгли ҳам тинч, оиласи ҳам тинч. Миллий ғururини топтаб, ўзгаларга қул бўлиб ишлашдан қутулган оила бошлиғининг фарзанд тарбиясидаги имкони ҳам кенг бўлади, оилавий ажримлар камаяди. Бундан бутун жамият, мамлакат наф кўради. Маънавий ахлоқий муҳит ўзгариб, барқарорлик касб этади.

Бугун юртимизда олиб борилаётган қурилишларнинг энг кўпи – уй-жой қурилиши. Шаҳарда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам. Ўз уйи, ўз қўрғонига эга бўлган аёлдан ҳам бахтли одам топилмаса керак. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ташрифлари чоғида аввало, маҳаллаларда бўлиб, бирор оиланинг меҳмони бўлади. Бу давлат раҳбарининг оила, ундаги муҳит, аёлга бўлган эътибор тимсоли, албатта. Ҳаётни, халқимиз турмушини, ўз Ватанимизни обод ва гўзал, фаровон этишнинг бош йўли бунёдкорликдир. Шундай экан, бунёдкорлик бардавом юртда гўзаллик ҳам бардавомдир.

Аёлларни ҳаёт гултожи, дедик. Шунинг учун бу дунёда энг кўп гул тақдим этиладиганлар ҳам аёллардир. Бир донишманд дунёда битта аёл қолса ҳам заргарга иш топилади, деган экан. Бу аёлларнинг гўзалликни севиши, гўзал бўлиб кўриниш уларнинг табиий эҳтиёжи ва аёллар айнан гўзаллик тимсоли эканидан далолатдир. Гўзалликни ардоқлаш, қадрига етиш эса ўзини англаган миллатга хосдир.

Бугун мамлакатимизнинг барча аёллари – оналаримиз, қизларимиз, опа-сингилларимизни байрам билан самимий қутлар эканмиз, ҳар доим чеҳрангиз кулиб турсин, юзингизга ғам-ташвиш соя солмасин, деймиз. Зотан, улуғ инсонларни улуғ оналар камолга етказадилар. Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк аждодларимизни ҳам буюк оналарнинг меҳр-муҳаббати, тарбияси, жонкуярлиги улуғлик шоҳсупасига кўтарган.

Устоз шоиримиз бағоят катта эҳтиром ила ёзганидек:

*Каъба қопқасида турган, эй посбон,*
*Аввал оналарнинг очгин йўлларин.*
*Оналар пойига тиз чўк ўшал он,*
*Тавоф қил, кўзга сур, ўпгин қўлларин.*

*Ҳожар онамизнинг нидоси сабаб*
*Каъбада кўз очган оби зам-зам ҳам.*
*Бир умр талпинмиш онага қараб,*
*Не-не пайғамбарлар, кўзларида нам.*

*Қавмимни ранжитиб қўймайин, аммо*
*Тобут ясаб келган эр зоти доим.*
*Оналар бағрига фақат бешик жо,*
*Ҳаётбахш аллалар айтган, мулойим.*

*Шўрлик одамзотнинг толеи учун*
*Энг аввал оналар қилсин ибодат.*
*Зора, гуноҳлардан пок бўлгай очун,*
*Оналар ўтинчи топиб ижобат.*

*Каъба қопқасида турган, эй посбон,*
*Аввал оналарнинг очгин йўлларин.*
*Оналар пойига тиз чўк ўшал он,*
*Тавоф қил, кўзга сур, ўпгин қўлларин.*

# ЁШ ОЛИМА – ЗУЛФИЯ МУКОФОТИ СОҲИБАСИ

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳар йили 8 март арафасида юртбошимиз томонидан бир қатор йўналишларда Зулфия мукофоти ўз эгаларига топширилади. Ўзининг тиришқоқлиги, илмга чанқоқлиги билан ажралиб турадиган, изланишлардан чарчамайдиган қаҳрамонимиз ҳам бу йил ушбу мукофотга муносиб кўрилди. Бу ҳар бир ўзбек қизи учун чексиз фахр ва ифтихор, деб бемалол айтишимиз мумкин.**



Муҳайёхон Йўлдошева 1999 йил Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида таваллуд топган. Ўрта таълимни аъло баҳоларга тамомлагандан сўнг, Фарғона политехника институтининг Қурилиш факультетига ўқишга киради. Ҳозирда 4-босқичда таҳсил олади.

Бугунги кунда юртбошимизнинг аёл-қизларимизни касб ўрганиши, илмли бўлиши ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига қаратилган саъй-ҳаракатлари ўз мевасини бермоқда. Имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб келаётган ёш олима қизнинг ютуқлари ҳам талайгина. У бугунги кунда қурилиш соҳасида илмий изланишлар билан машғул. Ёш тадқиқотчи "Иккиламчи ресурслар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Мухтасар Каримова раҳбарлигида иш олиб бораётган Муҳайёхон ютуқларида устозларнинг кўмаги катта эканини алоҳида таъкидлайди.

Шу ўринда Муҳайёхоннинг илмий иши мавзу жиҳатдан долзарблигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Тадқиқот мавзусининг асосий мақсади: юқори суръатларда қад кўтариб бораётган қурилиш объектларида ғиштдан эмас, махсус блоклардан фойдаланишни таъминлаш ва дунё бўйлаб глобал муаммога айланиб бораётган иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиб, янги изоляцион ва конструкцион деворбоп қурилиш материалларини фойдаланишга кенг татбиқ қилишдир. Унинг шу пайтгача 30 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари нуфузли халқаро ҳамда республика журналларида нашр этилган. Бундан ташқари, 2 та услубий кўрсатма, 2 та халқаро монография ва 4 та дастурий таъминот учун гувоҳнома ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Тинимсиз изланишлари ва илмга бўлган муҳаббати туфайли "Йил талабаси – 2023" Республика кўрик танловининг институт босқичида "Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси" номинацияси соҳибаси, Россия ва Германияда ўтказилган халқаро танловларда ғолиб бўлган. Шунингдек, вилоят миқёсида ташкил этилган "IT GRANT 2022" лойиҳасининг 3Dc max йўналиши бўйича грант соҳибаси, 2022 йил республика миқёсидаги "Ислоҳотлар менинг наздимда" номли иншолар танловида ғолибликни қўлга киритди. Меҳнатлари муносиб тақдирланганидан руҳланган Муҳайёхон таассуротларини қуйидагича ифодалади:

– Илмга чанқоқлигим, изланишларим, тинимсиз меҳнатларим бугун ўз натижасини берди. Юртбошимиз камтарона меҳнатларимни юксак баҳолаб, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ушбу мукофот ҳар бир ўзбек қизининг олдига қўйган мақсади, қалбида тинимсиз жўш урган орзуси ҳисобланади. Президентимиз аёл-қизларнинг илмли бўлиши жамият ривожига улкан ҳисса қўшиши ҳақида доим таъкидлайди. Мен ҳам мана шундай олима аёллар, олима қизлар сафида турганимдан жуда хурсандман. Бизларга кўплаб имкониятлар яратиб берган, юксак ишонч билдирган Юртбошимизга чексиз миннатдорчилик билдираман! Бу ютуқларга эришишимда ота-онамнинг ҳам ўрни беқиёс.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизнинг барча хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат байрами билан табриклаб, Муҳайёхон Йўлдошева каби ватанпарвар, олима, зукко қизларимиз кўпаяверсин деймиз. Ёш олимага эса келгусидаги ишларида юксак муваффақиятлар тилаб қоламиз.





# БАЙРАМ АРАФАСИДА УШАЛГАН ОРЗУ

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги қарорининг эълон қилиниши мазкур эътироф соҳибаларининг қалбига олам-олам қувонч олиб келгани шубҳасиз. Қуйида ана шу мукофотга лойиқ кўрилган Тошкент давлат транспорт университети, Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш йўналишида таҳсил олаётган 1-босқич магистранти Камола Ирисқулова ҳақида ҳикоя қиламиз.**

Камола Ирисқулова 2000 йил 31 майда Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида туғилган. Айни пайтда таълимнинг Автомобиль йўллари фанини ўқитиш йўналишида изланиш олиб бормоқда. У ўзининг билим ва кўникмаларини доимий ошириб бориши, намунали хулқи ташаббускорлиги ҳамда кўрик-танловларда фаол иштирок этиши билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. 2022-2023 ўқув йилида эса бакалавриат талабалари учун таъсис этилган Беруний номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлган. Камола устозлари билан ҳамкорликда илмий фаолият билан шуғулланиб, шу кунга қадар 30 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари халқаро ҳамда республика журналлари, шунингдек, конференцияларда эълон қилдирди. Ҳаммуаллифликда "Автомобиль йўлларини лойиҳалашнинг илғор технологиялари", "Кўприк кечувларида қидирув ишлари асослари", "Замонавий автомагистралларни лойиҳалаш" ва "Автоматизированное проектирование автомобильных дорог" каби ўқув услубий қўлланмалари нашр этилди.

2022 йилда "One million uzbek coders" лойиҳасида таълим олиб, ушбу лойиҳанинг 4 та йўналиши бўйича ўқув курсларини ўқиб тамомлаган ҳамда сертификатлар билан тақдирланган. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан бериладиган 4 та дастурий платформа (ДГУ) муаллифи ҳам ҳисобланади. Шу билан бирга, 2022 йилда Ҳиндистоннинг Жиззах вилоятидаги Самбҳрам университетида ўтказилган "Innowomenweek" ҳафталигида ўзининг "Асфальтбетон учун инновацион минерал кукун" лойиҳаси билан қатнашиб, сертификат билан тақдирланган.

2023 йилда Тошкент давлат транспорт университетида республика миқёсидаги турдош олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган автомобиль йўлларини лойиҳалаш фанидан Аълохон Қодирова номидаги фан олимпиадасида фахрли II ўринни қўлга киритди. Қаҳрамонимиз инглиз тилини ҳам яхши билади ва "Роботлар ёрдамида инглиз тилини қулай ва тушунарли ўрганиш" дастурий платформасини ишлаб чиққан ҳамда гувоҳномага эга бўлган.

– Зулфия номидаги давлат мукофотига қизиқиш ҳисси менда 12 йил аввал пайдо бўлган, – деди Камола Ирисқулова. – Ўн икки ёшдаги қизча учун бу мукофот шунчаки орзу эди холос. Бугун эса муҳтарам Президентимизнинг биз ёшларга қаратаётган юксак эътибори, оталарча меҳрибонлиги туфайли мен ҳам ушбу юксак мукофотга сазовор бўлдим ва кўп йиллик орзуим ушалди. Ушбу мукофотга таълим йўналишида, автомобиль йўллари фанини ўқитиш бўйича ҳужжат топширдим. Ҳозирда мамлакатимиздаги йўлларнинг равонлигини ошириш, қидирув лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш борасида илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Ушбу соҳада биринчилар қаторида бундай мукофотни олганимдан фахрланаман. Ушбу мукофот меҳр қўйиб танлаган касбимни янада ривожлантиришда менга катта мотивация бўлиши аниқ. Биз ёшлар Янги Ўзбекистоннинг чин маънодаги меъморлари эканмиз, бор куч-ғайратимизни Ватан ривожи учун сафарбар этамиз. Бу менинг келажакка қилган қасамим каби жаранглайди.

Камола Ирисқуловани ушбу Давлат мукофоти ва 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий табриклаймиз! Бахт-саодат, узоқ умр ва қалб хотиржамлиги доимий ҳамроҳ бўлсин! Ютуқлар бардавом бўлсин!

# Taxmina TURDIALIYEVA: EKSPERIMENTAL LOYIHALARSIZ ETNIK ARXITEKTURA RIVOJLANMAYDI

**Mamlakatimizda so‘nggi yillarda ko‘plab bunyodkorlik ishlari amalga oshirilmoqda. Bu ishlarda xotin-qizlarimizning ham o‘rni beqiyos. Qurilayotgan yangi binolarning dizayni qay darajada, qurilish va me’morchilikdagi qaysi muammolar soha vakillari faoliyatiga to‘siq bo‘lyapti? Bu boradagi fikrlarini bilish maqsadida iqtidorli arxitektor Taxmina TURDIALIYEVA bilan suhbatlashdik.**



**MA’LUMOT O‘RNIDA:** Taxmina Turdialiyeva Toshkent arxitektura-qurilish universiteti hamda Xitoyning Uxan texnika universiteti va Xuanjun ilm-fan, texnologiya universitetlarida tahsil olgan. “Better Together Challenge 2019” (Koreya), “Turkistan Architect Awards” (Qozog‘iston) xalqaro arxitektura tanlovlarining sovrindori. Joriy yilda Britaniya me’morlari Qirollik instituti (RIBA) tomonidan nashr etilgan dunyoning 100 nafar me’mor ayollari faoliyati haqidagi “100 women architects in practice” kitobiga u ham kiritildi. Xitoy va Italiyada faoliyat olib borgan, bugungi kunda Toshkentda o‘zining “TT Design Lab” arxitektura studiyasini boshqarmoqda.

**– Avvalo, sizni va siz orqali yurtimizda faoliyat yuritayotgan barcha xotin-qizlarni bahorning nafis bayrami bilan muborakbod etamiz!**

– Rahmat!

– **Tashabbusingiz bilan O‘zbekiston yosh arxitektorlari mustaqil uyushmasi tashkil etildi. Bilasiz, Me’morlar uyushmasi bor. Nega o‘sha uyushmaga a’zo bo‘lmagansiz yoki uning faoliyati, maqsad va vazifalari sizni qoniqtirmaganmi?**

– Xitoydan qaytganimdan keyin arxitektorlarning boshini birlashtiradigan tashkilot bormikan, deya qidirdim. O‘zbekiston me’morlar uyushmasi borligini bildim. Ular meni uyushmaga qabul qilishdi. Lekin yoshlarning tashabbuslari va fikrlarini qo‘llab-quvvatlash bo‘lmagani uchun soha yoshlarini birlashtirish fikri uyg‘ondi. Hozirda iste’dodli va potensiali yuqori bo‘lgan yoshlar ko‘p, ularni ham tinglash lozim, deb o‘ylayman.

**– O‘zbekiston yosh arxitektorlari mustaqil uyushmasi faoliyati haqida ham qisqacha ma’lumot berib o‘tsangiz.**

– Dastlab, “Yuksalish” umummilliy harakati qoshidagi “Shaharsozlik to‘lqini” tashabbusini 2021-yilda tashkil etgan edik. 2023-yil sentabr oyida O‘zbekiston yosh arxitektorlar mustaqil uyushmasi sifatida rasman ro‘yxatdan o‘tdik. Hozirda uyushmaning rasman 39 nafar a’zosi bor. Ammo bulardan tashqari ham ko‘pgina faollarimiz mavjud. Uyushmamizga a’zo bo‘lish tartibi ham juda oddiy, ya’ni veb-sayt orqali onlayn ariza yuboriladi va u menejer tomonidan ko‘rib chiqilib, nomzodga xat yuboriladi. A’zolar bilan tez-tez yig‘ilib, fikr almashib, muhokamalar qilib turamiz. Yoshlar orasida uyushma faoliyatiga qiziqish va a’zo bo‘lish istagidagi arxitektorlar ko‘p. Biroq hozirda bizning asosiy muammolarimizdan biri uyushmaga doimiy ishlaydigan xodim kerak. Buning uchun esa uyushmaning byudjeti bo‘lishi lozim. Shuning uchun hozir homiy qidirish bilan ovoramiz. Tanlov va boshqa tadbirlar uchun bir martalik xarajatlarni o‘z hisobimdan qoplashim mumkin. Lekin muntazam xarajatlar mening bir o‘zimga og‘irlik qiladi.

**– Bugungi kunda Toshkent shahri katta qurilish maydoniga aylangandek go‘yo. Qurilayotgan binolarning aksariyat qismini turar joy, biznes va savdo markazlari tashkil etyapti. Hozirda ham, kelajakda ham butun dunyo e’tiboriga sazovor bo‘ladigan noodatiy dizaynli binolar qurish haqida fikringiz qanday?**

– Ayni paytda bizga eksperimental loyihalar kerak. Eksperimentsiz o‘zimizning etnik arxitekturamiz rivojlanmaydi. Hozir qurilayotgan binolarning aksariyati chet eldagilardan ko‘chirib olingandek. Arxitektorlarga ishlash uchun yetarli vaqt berilmayapti. Juda qisqa muddatda bosim bilan samarali ishlab bo‘lmaydi. Eng muhimi, eksperimental loyihalarga hukumat tomonidan e’tibor qaratilib, buning uchun mablag‘lar ajratilishi kerak, deb o‘ylayman. Arxitektorlar potensialining rivojlanishiga xizmat qiladigan institut yaratish kerak.

**– Ma’lumki, so‘nggi paytlarda poytaxt havosi yomonlashib boryapti. Sizningcha, arxitektorlar mana shu muammoning yechimiga qanday hissa qo‘sha oladi?**

– Arxitektorlarning bu muammo yechimiga qo‘sholadigan eng katta hissasi – buyurtmachilar bilan yaxshi muloqot qilib, ularning fikrini o‘zgartira olish. Masalan, buyurtmachi yashil maydon bo‘lishi reja qilingan hududga foyda olish uchun boshqa obyekt yoki avtoturargoh qurmoqchi bo‘lishi mumkin. Shunday paytda, arxitektor unga yashil maydon zarurligini tushuntirib, uni ko‘ndirish uchun harakat qilishi lozim. Shuningdek, bunda buyurtmachilarni to‘g‘ri yechimlarga undash ham muhim sanaladi.

**– Ayni paytda poytaxtimizdagi yangi qurilishlarda umumiy dizaynga, ya’ni binolarning bir-biriga mutanosib ranglarda yoki shaklda bo‘lishiga ahamiyat berilyaptimi?**

– Bunaqa vaziyatda loyihachi arxitektorda ayb bo‘ladi va undan ham katta mas’uliyat qurilish boshqarmalaridagi bosh arxitektorlarning zimmasidadir. Chunki ular yon atrofidagi obyektlarga umuman zid dizaynda bo‘lgan loyihalarni qurishga ruxsat bermasligi kerak degan fikrdaman. Agar loyihachi e’tiborsiz bo‘lib, xato qilgan taqdirda ham bosh arxitektor uni tasdiqlamasligi lozim. Bundan tashqari, bosh arxitektor shaharning umumiy qiyofasi haqida loyihachilarga ma’lumot berib, ular bilan tushuntirishlar olib borishi kerak. Shunda arxitektorlar ham shaharning umumiy qiyofasi bo‘yicha tasavvurga ega bo‘lib, kelgusi loyihalarini shunga mutanosib tarzda yaratishadi.

**– Siz arxitektura bo‘yicha O‘zbekistonda va Xitoyda tahsil olgansiz. Sohaga o‘qitishda ta’lim tizimimizdagi nimalarni o‘zgartirish yoki qanday yangiliklar olib kirish kerak?**

– Bizda o‘qituvchilar kuchli, lekin tizimni yanada yaxshilash kerak, deb o‘ylayman. Masalan, soha mutaxassisligi bo‘yicha keraksiz fanlarni kamaytirish tarafdoriman. Xitoyda tizim yaxshi yo‘lga qo‘yilgan, erkinlik bor. Talabalarga tanlash imkoniyati beriladi. Qachon darsga borish va qaysi fanlarni o‘qish talabaning tanlovi bilan bo‘ladi. Talabalarga shunday erkinlik yaratib berilsa, ular fanlarni yaxshi o‘zlashtirishadi.

**– Binolarni loyihalashda seysmik xaritadan foydalaniladimi va seysmik xavf yuqori bo‘lgan zonada qurilayotgan obyektning balandligi, konstruksiyalari kabi jihatlariga alohida e’tibor qaratiladimi?**

– Binolarni loyihalashda zilzilabardoshlikka doir mavjud normalarga amal qilinishi kerak, albatta. Shuningdek, obyekt quriladigan joy seysmik faol hudud bo‘lsa ham, uning konstruksiyalari mustahkam bo‘lsa, balandligi ahamiyatli emas. Asosiysi, loyiha normativlarga mos va talab darajasida bo‘lishi kerak. Bundan tashqari, agar yerda cho‘kish yoki shunga o‘xshash muammo bo‘lsa, bu ko‘proq xarajat talab qiladi. Chunki bunaqa joyda konstruksiyalarni mustahkam bo‘lishi juda ham muhim. Unda maxsus qurilish materiallaridan foydalanish lozim bo‘ladi.

**– Qisqa va mazmunli suhbatingiz uchun tashakkur!**

**“O‘zbekiston bunyodkori” muxbiri Murodbek HAYDAROV suhbatlashdi.**

# БАҲОРГА АНДОЗА БЎЛГАН АЁЛ!

**Зиё СИРОЖ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хотин-қизлар гўзалликни баҳордан олган, дейдилар. Аслида кўкламойнинг ўзи бор чиройини опа-сингилларимиздан андоза олган. Ахир, ҳам ҳуснда, ҳам одоб-у ахлоқда барчага ибрат бўлгуси замондошларимизга тенг келадигани йўқда!**



“Андижон сув таъминоти” АЖда 52 йилдан буён самарали хизмат қилиб келаётган Рашида опа Кириченко ҳам нафақат жамоасида, балки жамиятда ҳам барчага ибрат бўлиб келмоқда. Аслида, бу соҳада хотин-қизларнинг фаолият олиб боришининг ўзи бир қаҳрамонлик, бироқ узоқ йиллар давомида шу касбда садоқат ила фаолият олиб бориш фидойиликдир. Рашида опа ана шундай касбини севувчи, зиммасидаги вазифани сидқидиллик билан адо этгувчи, кимгадир опа, бошқасига дугона, яқин маслаҳатчидир!

– Мен эсимни танибманки, сув таъминоти соҳасига қизиққанман, – деди қаҳрамонимиз суҳбат давомида. – Боиси, дадам ушбу корхонада турли лавозимларда хизмат қилган. Ишдан келганидан кейин ҳам уйда ишига алоқадор чизмалар билан шуғулланарди. Унинг ҳар бир ҳаракати менда катта қизиқиш уйғотган. Шу боис, келгуси ҳаётимни ушбу соҳада тасаввур қилаверарди. Шу тариқа 1972 йили олий таълимни тамомлаганимдан сўнг ушбу корхонанинг лаборатория бўлимига ишга келганман.

Тан олиш керак, бир жамоада узоқ вақт фаолият юритиш касб эгасидан сабр, тоқат, матонат билан бир қаторда ҳақиқий фидойиликни талаб этади. Тўғри, Рашида опа ҳаётида ҳам турли бурилишлар бўлиши мумкин эди. Бироқ, у сув таъминоти соҳасидан бошқа жойда меҳнат қилишни хоҳламади.

– Инсон ўзи севган касбида фаолият юритса, унга бошқа касбнинг, ютуқнинг, муваффақиятнинг, обрў-эътиборнинг кераги бўлмай қоларкан, – деди у суҳбат давомида. – Мен ўз соҳамда қанча кўп излансам, шунча кўп билим олишни истардим. Шу боис, изланишдан қолмадим. Собиқ Иттифоқ даврида кўп маротаба малака ошириш курсларида таҳсил олдим, бошқа республикалардаги ҳамкасбларимизнинг иш тажрибасини ўргандим. Натижада 1992 йилга келиб лаборатория бўлимига мудир этиб тайинландим.

Бугунги кунда Андижон вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган 2023 йилнинг ўзида марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 91 фоизга етказилди. Истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг “оби ҳаёт”га бўлган эҳтиёжини қондириш учун мавжуд 909 та маҳалланинг барчасида таъминот сифатини яхшилаш ишлари амалга оширилди. Натижада 217 та маҳалла қисман, 692 таси эса тўлиқ ичимлик суви билан таъминланди. Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш дастурлари доирасида давлатимиз бюджетидан 524 млрд сўм маблағ ажратилди. 61 та маҳалладаги 227 минг аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланиб, 113 та маҳалладаги 390 минг нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди. Бунёдкорлик туфайли юзага келган бундай имкониятда Рашида Кириченко раҳбарлик қилаётган жамоанинг ҳам муносиб хизматлари бор, албатта. Боиси, ҳар бир ҳудуднинг суви нечоғли истеъмолга яроқли эканлигини аниқлаш, қаттиқлик даражасини таҳлил қилишда лаборатория ходимларининг бой тажрибаси, вазифага масъулият билан ёндошиши муҳим аҳамият касб этади.

– Андижон вилоятида 1760 та сув қудуғи бор, – деди суҳбатдошимиз фаолияти ҳақида сўзлар экан. – Гарчи, уларнинг атрофи махсус деворлар билан ўралган бўлсада, табиий таъсир кучлари натижасида тоза ичимлик сувига салбий таъсир ҳолатларини кузатиш мумкин. Оддий мисол, дарахтларнинг илдизлари сув қувурига кириб қолиш ҳолатлари учрайди. Ёки ер остидан сизиб чиқувчи сувнинг қаттиқлик даражаси ҳар доим ҳам бир хил кўрсаткичда бўлавермайди. Шунинг учун лаборатория ходимлари манзилларда бўлиб, мунтазам сув сифатини таҳлил қилиб бориши керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг сифатли ичимлик сувини истеъмол қилишида жамоамизнинг ҳам ҳиссаси мавжуд.

Рашида Кириченконинг самарали хизматлари ҳукуматимиз томонидан ҳамиша муносиб баҳоланиб келинган. Бир неча маротаба республика миқёсидаги нуфузли ташкилотларнинг фаҳрий ёрлиқлари, ташаккурномалари, 2017 йили “Ўзбекистон Конституцияси 25 йиллиги” эсдалик нишони ва 2020 йилда “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Биз нафақат Рашида опа Кириченкони, балки “Андижон сув таъминоти” АЖда самарали фаолият олиб бораётган барча хотин-қизларни байрам билан муборакбод этамиз. Тилагимиз ягона – умримизнинг баҳоридек яшнаб юрсинлар!

# ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИДА УЛАРНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Аёлнинг нафосати ва садоқати, фидойилиги асрлар давомида ҳаёт давомийлигига асос бўлган. Шунинг учун энг буюк санъат намуналари, кўшиқ ва қасидалар, асарлар, обидалар хотин-қизларга аталган. Зеро, оила ва жамият устуни, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган аёлларни эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш азалдан улуғ қадриятга айланган.**



Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳар томонлама кафолатлаш, улар ижтимоий фаоллигини ошириш, ўз турмушидан рози бўлиб яшаши учун барча шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борадаги изчил ислоҳотлар самараси ҳар бир аёл орзу-умидлари рўёбида яққол акс этаётир. Улар оилада фарзандларни баркамол қилиб тарбиялаш билан бир қаторда жамиятда содир бўлаётган туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этаяпти. Ана шундай бахт соҳибаларидан бири Насиба Нарзиева ҳақида ҳам илиқ фикр билдириш мумкин.

Чеҳрасидан нур ёғилиб турган камтарин бу аёлни самарқандликлар, айниқса, бунёдкорлар яхши танийди. Меҳнат фаолияти давомида одамларга яхшилик қилиш, юрт фаровонлигига ҳисса қўшиш, эзгу ишларни бажаришга одатланган. Муҳими, мактабни тамомлагандан буён бир жамоада фаолият кўрсатиб, бугун унинг раҳбарига айланганлиги ҳам эътиборга сазовор. 1997 йилдан “Ҳудудгазтаъминот” акциядорлик жамиятининг вилоят филиалида турли лавозимларда меҳнат қилиб, жамоада ўз ўрнини топди. Ишлаб чиқариш билан биргаликда Самарқанд давлат архитектура-қурилиши университетида таҳсил олгани кейинги фаолиятига ижобий таьсир кўрсатди.

Марҳум отаси Саттор Нарзиев тавсияси билан “Газ лойиҳа сервис” МЧЖ директор бўлгани ҳаётида муҳим роль ўйнади. Мана, ўшандан буён Насибахон вилоятни газлаштириш, янги аҳоли пунктлари, саноат корхоналарига газ ўтказиш билан боғлиқ пудрат ишларини лойиҳалаштириш, арзон ёқилғи билан таьминлаш жараёнида фаол қатнашиб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Жамоада меҳнат қилаётган 20 нафарга яқин ҳамкасблари қалбига йўл топишга астойдил интилади.

Насибахон давлат ишларидан вақт орттириб, нафақа гаштини сураётган онаси Муҳаббат опа, сингиллари Нигора, Ноила ва Ферузалар ҳолидан хабар олиш, уларни бугунгидек байрамларда қутлашни ҳам ўз бурчи деб билади. Қолаверса, оиласи – турмуш ўртоғи Жамшиджон билан тўрт нафар фарзандни камолга етказиб, уларни ҳаётда ўз ўринларини топишига доимо бош-қош.

– Жамиятимизнинг барча жабҳасида хотин-қизларимиз олдинги сафларда бўлишга интилиб, яратувчанликка муносиб улуш қўшаяпти, – деди малакали лойиҳачи Насиба Нарзиева. – Имкониятдан фойдаланиб, ватан тараққиётига ҳисса қўшаётган табаррук онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан табриклайман!


"O'zshaharsozlik LITI"
BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI
·1928·
8
Yurtimiz bunyodkorligi yo'lida fidoyilik bilan mehnat qilib kelayotgan barcha ayollarga
XALQARO XOTIN-QIZLAR KUNI
muborak bo'lsin.
Mehnatingiz rohatini ko'rib yurish har biringizga nasib etsin! Oilaviy xotirjamlik, omad va baxt sizlarni aslo tark etmasin!


Buxoro viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi jamoasi
8
duogo'y onaxonlar, mehribon opa-singillarimizni
Xalqaro xotin-qizlar kuni
bilan tabriklaydi!
Umringiz uzun va mazmunli, hayot yo'lingiz hamisha charog'on bo'lsin!


Samarqand viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi jamoasi
aziz opa-singillarimizni
Xalqaro xotin-qizlar kuni
bilan chin dildan muborakbod etadi.
Zero, ayol tabiatning nozik xilqatidir. Hech bir er-yigit yo'qki, bu latofatli xilqatga muhabbat qo'ymagan, uni avaylab, ehtiyot qilmagan! Baxtimizga doim sog'-omon bo'ling!
8
Mart

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№21-22 (774-775) 2024 йил 8 март

# КРАНЧИ ҚИЗ ФЕРУЗА

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кичкинагина жуссали, эндигина йигирма баҳорни қаршилаган қизни “осмону фалакка” чиқиб кран бошқараётганини кўрганмисиз? Пастдан қарасанг дўппинг тушиб кетадиган краннинг баландлиги нақ 24,5 метр. Яна кунига 4-5 марта чиқиб тушишнинг ўзи ҳазилакам гап эмас. Манаман деган йигитларнинг юраги дош бермайдиган баҳайбат кранни ёшгина қиз бошқараётганининг ўзи таҳсинга лойиқ.**



Феруза Бекчонова асли Урганч туманининг Чоткўпир қишлоғидан. Кран ёрдамида 8-қаватга пастдан қурилиш материалларини бир зумда юқорига чиқариб бермоқда. Туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига иш сўраб борган Ферузани кранчи бўлишини эшитган мутасаддилар унга тезда йўлланма беришди. Феруза қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрловчи 4,5 ойлик курсда бепул таълим олди ва ҳунар ўрганди. Шунинг 2 ойи назарий ва қолгани амалий машғулотлардан иборат бўлди.

Феруза “Ойи, дада, мен кранчи бўлмоқчиман!” деганида ота-онаси аввалига ишонишмади. Қизининг нияти жиддийлигини билишса ҳам, рози бўлишмади.

– Бу касб қиз болаларга хос эмас, яна жуда баландда ишлар экансан, – деди онаси Рўза опа Жуманиёзова рўйхўшлик бермай.

Ўқиш мобайнидаги 4,5 ой ҳар куни шу гап оилада муҳокама қилинарди. Ўқиш тамом бўлиб, қўлига гувоҳнома олган Феруза маҳалла раиси ва ёшлар етакчиси кўмагида қурилиш ташкилотига ишга кирди.

– Кранчилик асли қизимнинг қонида бор, – деди Ферузанинг отаси Кенжабой Бекчонов. – Бобоси Раҳимбой ота кранчи бўлган. Олдинига биз ҳам кранчилик қилишига қарши бўлдик. Лекин қизим жуда ўжар, ишлайман, деб туриб олди. Иш бошлаган дастлабки кунларида рости бироз хавотир олдик. Аммо эплаб кетди. Мана, ишлаётганига ҳам бир йил бўлиб қолди, энди биз ҳам кўникдик.

Феруза Бекчонова ҳозирда Урганч шаҳрида барпо этилаётган 8 қаватли турар жой биноси қурилишида ишламоқда. Бу иморат – унинг фаолиятидаги иккинчи объект.

– Қурилишда оловқалблар ишлайди, – деди қаҳрамонимиз фаолият юритаётган “Стар сити” қурилиш компанияси раҳбари Жасурбек Отабоев. – Бунга мисол, мана, кранчи қизимиз Феруза Бекчонова. У пастдан туриб берилаётган топшириқларни беками кўст адо этмоқда. Ёш бўлсада, касбини уддалаб, унга меҳр қўйган. Кранчи қурилишда қурувчиларнинг оғирини енгил қиладиган асосий фигура ҳисобланади, аслида.

Объектда иш эрталабки саккиздан бошланади. Феруза шу вақтда тепада бўлиши керак. Чунки ишнинг унуми унга боғлиқ. Тушлик пайти крандан пастга тушади. Тушликдан кейин яна кранга...

– Ишимни жуда яхши кўраман, – деди кранчи қиз. – Қолаверса, бобомнинг касбини давом эттираётганимдан хурсандман. Бир йил олдин устозим кранчи Наврўзбек Рўзимбоевдан ўрганганларимни ҳозирда амалда қўллаяпман. Юртимга, халқимизга нафим тегаётганидан қувонаман.

Ферузанинг матонатига, шижоатига қойил қолмай илож йўқ. Унинг ҳатти-ҳаракатларини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг қаҳрамони Синчалакка ўхшатгим келди. Албатта, ғайрат қилиб олға интилса, ҳар қандай довонни эгаллаш мумкин.

Кранчи қиз Ферузанинг келгуси ишларида омад ёр бўлсин!



# МАЪНАВИЙ ТЎКИС ИНСОННИНГ ИШЛАРИ ҲАМ ИБРАТЛИДИР

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимизда ривожланган давлатлар тажрибасини умумлаштириб, изчилислоҳотлар орқали ўз ўрнимизни эгаллаш мақсадида ташаббус кўрсатиб, барча тармоқларни юксалтиришга киришилганига ҳам олти йилдан ошмоқда. Бу жараён босқичлари ҳамиша олдинга силжишни тақозо этгани учун кечаги кун билан бугунгиси орасида катта тафовут мавжудлигини кўриш мумкин. Айниқса, иқтисодчилар олдида кўндаланг бўлаётган вазифалар жуда масъулиятли. Улардан ўз устида тинимсиз изланиш, нархларни шакллантириш, шартномаларни доимий равишда таҳлил этиб бориш, қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни талаб даражасида ўз ўрнида қўллаш талаб этилади.**



Ана шундай ўз ишининг устаси бўлган аёллардан бири Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DMнинг шартномалар ва нархларни шакллантириш бўйича иқтисодчиси Дилфузахон Тожиевадир.

Аслида, касб танлаш ва унга садоқат билан ёндашиш оилада шаклланади, деганларича бор. Дилфузахон камол топган хонадондагиларнинг аксарияти қурилиш ва бунёдкорлик соҳаси билан узвий боғлиқ кишилар. Шу сабабдан у ҳам оиладаги анъанага амал қилиб, дастлаб Термиз давлат университети, сўнгра, олий бизнес мактабини битириб, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, бизнес бошқаруви йўналишида магистрликни эгаллади.

2019 йилдан фаолиятини экспертиза соҳасида иқтисодчи сифатида бошлаб, мутахассислигига дахлдор янгиликларни янада мукаммал эгаллаш орқали билим ва кўникмаларини иш жараёнига татбиқ этиб келмоқда. Орттирган тажрибаси бухгалтерия ҳисобини шакллантириш, хизматлар таннархини аниқ ҳисоблашнинг турли шакллари, корхона ва унинг бўлимлари молия-хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш ҳамда солиқ қонунчилигию бошқаришнинг бозор усуллари баробарида иқтисодий ишлаб чиқаришни ташкил этиш сингари кўплаб вазифаларни қонун доирасида шакллантиришда асқатмоқда.

Шунингдек, у ўз устида узлуксиз ишлаб, соҳага оид ҳужжатларни ўрганиб, иқтисодий-сиёсий билим савиясини, касб маҳоратини ва ҳуқуқий маданиятини ҳам ошириб келмоқда. Шу боис, жамоадошлари Д. Тожиевани ташкилот равнақи ва ривожи йўлида меҳнат қилиб, унинг фаолиятида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган фидойи ходим сифатида ҳурмат қилишади.

Ишонч ва масъулият ҳамиша бир-бирини тўлдириб, мақсад сари интилишга ундашини “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM жамоаси Дилфузахон мисолида кўряпти, десак муболаға бўлмайди. Чунки раҳбарият томонидан берилган ҳар бир топшириқ ва ҳужжат ана шу ходиманинг ўткир нигоҳидан ўтиб, бажараётган ишларининг бирортасида нуқсон ёки камчилик учрамайди. Шунинг учун ҳам соҳадошлари унга ҳавас қилиш қаторида ибрат олишга ҳам интилишади.

# “ЎЗ КАСБИМНИ СЕВАМАН!”

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Баҳорнинг илк кунлари кўнглимизга ажиб илиқлик олиб киради. Бир-бирига уланиб кетадиган байрамлар эса қалбимизни бахт ва шодликка тўлдиради. Ана шундай кўтаринки кайфиятда ўтадиган байрамлардан бири – 8 март Халқаро хотин-қизлар кунидир. Бу кун фидокор, меҳнаткаш, ватанпарвар, оилапарвар аёлларимизни эътироф этиш, жами гўзал таърифлар билан сифатлайдиган бир кун.**



Юртимизнинг турли ҳудудларида ўз зиммаларидаги вазифани аъло даражада бажараётган, касбига садоқат билан хизмат қилаётган аёлларимиз сони оз дейсизми? ! Шу мақсадда уларнинг олижаноб хизматларини камтарона қаламимиз билан эътироф этишга бел боғладик. Улардан бири Наргиза Қурбоновадир.

Наргиза Қурбонова 1982 йил Фарғона шаҳрида таваллуд топган. Ўрта таълимдан сўнг Фарғона политехника университетини тамомлаган. Дастлабки иш фаолиятини 2003 йилда хусусий лойиҳа институтида бошлаган. Бу ердаги 6 йиллик фаолиятидан сўнг 2009 йилда Қурилиш материалларини сертификатлаштириш идораси раҳбари К. Тўхтаматовнинг тавсияси билан Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси таркибидаги Қурилиш материалларини сертификатлаштириш идорасида етакчи мутахассис сифатида иш бошлади. Шундан буён ушбу идорада узоқ йиллик самарали фаолиятини давом эттириб келмоқда. Узоқ йиллик умрини бир жойда қатъият билан хизмат қилиб ўтказишга ҳар кимнинг ҳам иродаси етмайди. Бу борада аёлларимизга ҳар қанча таҳсин айтсак кам.

Меҳнат фаолияти ва ҳаёти ҳақида қаҳрамонимиз шундай деди:

– Ўз соҳамни яхши кўраман. Ўтган вақт давомида танлаган касбимдан ҳечам афсусланмадим. Аксинча, ҳар куни янгиликларга интилиб, соҳадаги билимларимни оширишга ҳаракат қилиб келмоқдаман. Инсон қайси касбни танламасин, унинг ўша касбга муносабати кўп нарсани белгилаб беради. Қилган ишингни севмасанг, маромида бажармасанг, ҳеч қачон, ҳеч ерда қадр топмайсан. Муҳими, нафақат ишим, шу билан бирга, оиламга ҳам кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Уйимда меҳрибон она, ишда намунали ходим бўлишга ҳаракат қиламан. Назаримда, аёлми, эркакми бунинг фарқи йўқ, ҳамма шу Ватан учун қўлидан келган иш орқали наф келтириши керак.

Дарҳақиқат, бор кучини ҳар жиҳатдан соғлом авлод тарбиялашга, уларни дунёга келтиришга, ўз соҳасининг устаси бўлишга сарфлаётган аёлларимизни ҳар қанча эътироф этсак арзийди! Наргиза Қурбоновага ҳам байрам баҳона энг илиқ ва самимий тилакларимизни тилаймиз. Ҳамиша баҳордай очилиб, юзларидан кулгу аримасин, деймиз.

Байрам муборак бўлсин, юртимизнинг матонатли аёллари!

# ОИЛАСИНИНГ ТЎМАРИСИ ВА БОШҚАРМАНИНГ БОШ ҲИСОБЧИСИ

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсонлар ҳаётдан мазмун излар экан, бу борада ҳар кимнинг ўз мақсади ва орзу-умидлари бор. Буларнинг рўёбига эришиш йўлларини ҳам ҳар ким ўз тушунчаси доирасида тасаввур қилади ва интилади. 1976 йилда Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган Шаҳнозахон Усмонова мактаб йилларидаёқ аълочи ва намунали ўқувчилар сафида бўлди. Ҳаётга теран нигоҳ билан қараб, эзгу ниятлар оғушига чўмиб қоларди. Бахту иқболнинг ҳомийси ўқиб изланишда, илму маърифатда эканлигини англаб етишида оиладаги тарбия катта роль ўйнади.**



Бошқаларга, жамиятга ва албатта, Ватанига нечоғли фойда келтираётгани шахс иқболининг асосий ўлчов мезони эканлигини ёшлигидан ота-онаси унга кўп уқтиришарди. Шундан бўлса керак, Шаҳнозахон туғилиб ўсган туманидаги 6-мактабни тамомлагач, Наманган тўқимачилик техникумида иқтисодиёт йўналишида таҳсилни давом эттирди. Мазкур касб бўйича мутахассислигини тасдиқловчи ҳужжатни қўлига олгач, астойдил ишга киришди. Назарий билимларини амалий тажриба билан бойитиб борди. Оила-ю рўзғорда эса келину бекалик мақоми ва масъулиятини рисоладагидек адо этган ҳолда, 2001 йилда Наманган Политехника институтининг бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишига ҳужжатларини топширди. Белгиланган синов-имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, юқори балл йиғди ва талабалар сафига қўшилди. Билими, малакаси ва кўникмалари янада юксалиб, хайрли амаллар унинг ҳаётий шиорига айланди. У бугунги кунда Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида бош ҳисобчи лавозимида ишламоқда.

– Бухгалтерия қизиқарли ва аниқ ҳисоб-китобни талаб қиладиган, таъбир жоиз бўлса, хавфли касб, – деди Ш. Усмонова. – Чунки ўта эҳтиёткорлик ва ҳушёрлик фаолиятимизда бош мезондир. Ер юзидаги ҳамма нарса, ашёлар, воқеа-ҳодисалар ҳам ҳисоб-китобга монанд ўлчовли мезон – муайян ўлчов доирасида содир бўлиши сир эмас. Худди шунингдек, оилада, хўжаликларда, корхона ва ташкилотларда – ҳаммасида ҳисоб-китоб тамойиллари бор. Бухгалтериянинг қизиқарли ва ҳатто, ҳайратланарли томони ҳам ана шу жиҳатларда мужассам. Касбимни жуда ардоқлайман. Хавфли томони шундаки, ҳисоб-китоб соҳаси аниқ рақамларда акс этгани учун ҳам амалдаги низом, йўриқнома ва белгилаб қўйилган меъёрлар доирасидан оғишмаслигимиз шарт. Билиб-билмай хатога йўл қўйиш жуда қимматга тушиши мумкин. Хоҳ бюджетнинг пули, хоҳ хусусий тадбиркорнинг шахсий маблағи бўлсин, ўрни келганда шуларни муайян мақсадлар учун тасарруф қилишга тўғри келса, хиёнат қилиш мутлақо мумкин эмаслигига аллақачон иқрор бўлганман. Соддароқ айтганда, ўртада пул масаласи юзага келдими, инсон энг аввало, нафсини маҳкам тийиши зарур ва шарт!

Қаҳрамонимиз оилада ҳам, ишхонада ҳам тартиб-интизомли бўлишни ўзининг асосий бурчи, деб ҳисоблайди. Қаттиққўл она бўлса-да, фарзандлари уни ардоқлашади. Ўрни келса, мулойим ва мавридида қаттиққўл бўлишни ота-онасидан ўрганган. Шундан бўлса керак, турмуш ўртоғи уни Тўмарисга қиёслайди. Иккала фарзанди ҳам олий маълумотли, бугунги кунда юрт равнақи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Биз эса Шаҳнозахон Усмонова қаторида Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасининг барча аёл ходималарини Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этамиз.

# МЕҲНАТИДАН БАХТ ТОПГАН АЁЛ

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Аёл ўзининг латофати, нафосати, чексиз бардоши ва фидойилиги билан нафақат оилани, балки жамиятни ҳам чароғон этади.**

Дарҳақиқат, аёл меҳрибон она, вафоли ёр, у Яратганнинг буюк мўъжизаси. Ҳаёт нафасини ва гўзаллигини ўзида мужассам этган аёл зотини ҳар қанча улуғламайлик, сўзимизнинг адоғи топилмайди. Албатта, ҳар йили баҳорнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланиб келинаётган Халқаро хотин-қизлар куни ҳам назокатли опа-сингилларимизга бўлган алоҳида эътибор ва ҳурмат намунаси, аслида.

Бугун атрофимизда ўзининг заҳматли меҳнати ва қалб саховати билан барчага намуна бўлаётган хотин-қизларимиз бисёр ва улар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносибдир. Юртимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, фарзанд тарбиясидек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, жамиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган кўплаб касб эгалари қатори қурилиш ва коммунал соҳасида ҳам кўплаб аёллар фидойилик билан фаолият юритмоқда.

Қарши шаҳрида 12 йилдан буён бошқарув сервис соҳасида самарали фаолият юритиб келаётган Дилара Дўстбобоева ҳам меҳнатдан бахт топган аёллардан.

– Маълумки, аҳоли турмуш даражасини оширишда коммунал хизмат сифати жуда муҳим, – деди Қарши шаҳридаги “Янги ойдин” бошқарув сервис ташкилоти раҳбари Дилара Дўстбобоева. Шу мақсадда бошқарув сервис ташкилотимиз ҳам шаҳардаги “Ойдин” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 11 та кўп қаватли уйдаги 483 та хонадонга хизмат кўрсатади. Корхонамизда 8 та иш ўрни яратилган бўлиб, 10 турдаги моддий-техника базасига эга. Шунингдек, аҳолига 10 турдан ортиқ қўшимча хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. Компаниямизда 24/7 тартибида ишлайдиган авария-диспетчерлик хизмати мавжуд.

Ўтган 2023 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли турмуши билан танишиш мақсадида 24-25 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида “Ойдин” МФЙда ҳам бўлиб, аҳоли турмуши, ҳудуддаги ободлик ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик билан яқиндан танишган эди. Ўшанда маҳалла фаоллари Президентга ҳудуддаги ўзгаришлар, одамлар ҳаёти ҳақида сўзлаб бериб, бу ердаги кўп қаватли уйларда илгари тўртта оғир тоифадаги ширкат бўлиб, коммунал хизматларда муаммолар бўлганлигини ва “Янги ойдин” бошқарув сервис компанияси ташкил этилиб, хизмат сифати яхшиланганини эътироф этган эди. Қаҳрамонимиз бу ҳақида тўлқинланиб шундай эслайди:

– Биз эътирофдан мумнун бўлган ҳолда мавсум олдидан кўп қаватли уйларнинг томи, йўлакларини таъмирладик. Айни пайтда ҳам режаларимиз кўп, ўтган йили учта болалар майдончаси ташкил этган бўлсак, жорий йилда ҳар бир турар жойга ичимлик суви насослари ўрнатишни режалаштиряпмиз. Асосий мақсадимиз – уй-жойларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш орқали аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Дарҳақиқат, Дилара Дўстбобоева мисолидаги муҳтарама аёлларимиз ҳамиша кўз ўнгимизда садоқатли ёр, меҳрибон она, фидойи ва етакчи тимсолида гавдаланади. Опа каби аввало, оила, шу қаторда жамиятга ҳам файз киритадиган, ҳар даврани эзгулик нури билан мунаввар этадиган бундай фидойи хотин-қизларимизнинг эзгу ишлари доимо юксак эътирофга лойиқ бўлиб қолаверади.


"TASHGIPROGOR" AJ
8 MART
XALQARO XOTIN-QIZLAR KUNI MUBORAK BO‘LSIN!


Toshkent shahri Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi jamoasi
Muhtarama opa-singillar,
8 mart –
Xalqaro xotin-qizlar kuni bayrami
muborak bo‘lsin!
Sizlarga uzoq va mazmunli umr, qalb xotirjamligi, oilaviy saodat tilaymiz.
Ezgu niyatlaringiz amalga oshib, baxt-u iqbol hamrohingiz bo‘lsin!


Farg‘ona viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi jamoasi
aziz ayollarimizni
XALQARO XOTIN-QIZLAR BAYRAMI
bilan samimiy qutlaydi!
Go‘zal yuzingizdan hech qachon tabassum arimasin!
Ko‘zlaringizda doimo baxt alangasi chaqnab tursin!


Sirdaryo viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi bosh boshqarmasi jamoasi
Jonajon yurtimizning munis onaxonlari, gulchehra opa-singillar-u go‘zal qizlarini
Xalqaro xotin-qizlar kuni
bilan qutlaymiz.
Yuzingizdan samimiyat va tabassum arimasin.
Kelgusi ishlaringizga ulkan rivoj va zafarlar tilaymiz!













## Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

### 2024 йил март ойининг 8-11 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги раҳбар котибаси **Шаҳло Азимова,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот-таҳлил қилиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи **Шерзод Низамов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Инсон ресурсларини бошқариш ва комплаенс назорат бўлими бошлиғи **Маъруф Хомраев,** Стандартлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Нодира Мустафоева,** Мувофиқликни баҳолаш департаменти етакчи мутахассиси **Соатмурот Қиличов,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси “Марказий” филиал хайдовчиси **Мусурмон Ортиқов,** “Жанубий” филиал лойиҳа бош архитектори **Абдурасул Салоҳиддинов,**

“Ташгипрогор” АЖ бош газ муҳандиси **Ирина Ноздрина,**

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Смета ва нархларни шакллантириш бўлими муҳандиси **Саодат Тоғаева,** Бош директорнинг лойиҳа ишлари бўйича ўринбосари – институт бош архитектори **Бунёд Эрмаматов,** Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси қўриқчиси **Мирадил Сагатов,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Бахтиёр Магдиев,** техник **Феруза Насирова,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази катта мутахассиси **Баҳар Даулетмуратова,**

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Зуҳриддин Аҳадов,** навбатчилик қисми ҳайдовчиси **Зоҳиджон Тўрақулов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Отабек Туропов,**

Самарқанд вилояти Иштихон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бунёд Мамарасулов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Шоҳида Пўлатова,** ҳайдовчи **Нуриддин Инағомов,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Сирдарё вилояти филиали юрисконсульти **Саиджон Султанов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси архитектура ва ҳудудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Отабек Набижонов,**

Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги “Қоракўл қурилиш коммунал” МЧЖ БСК бош директори **Аловуддин Оймуротов,**

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Шокир ҳудудий Тех Сервис” МЧЖ БСК бош директори **Шокир Розиқов,**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги “Sarvar Termiz Servis” МЧЖ БСК бош директори **Садриддин Отақулов,**

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги “Grand Sfera kommunal” МЧЖ БСК бош директори **Оловутдин Тангриқулов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

# Ҳамиша баҳордай очилиб юринг!

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қадимда ниҳоятда гўзал ва муаттар ҳид таратувчи кўл бўлган экан. Барча унинг бўйидан маст бўлар, у ерда дам олишни хуш кўраркан. Бир куни кўлдан нега бунчалар ширин бўй таратасан, сувинг жуда мусаффо деб сўрашибди. Кўл эса вазминлик билан шундай жавоб берибди:**

**– Сизлар ҳар куни шаънимга мақтовлар ёғдирасизлар. Аммо менинг муаттар ҳид таратишимга атрофимдаги бир-биридан гўзал гуллар сабаб. Уларнинг ширин ифори менга уриб турганидан мен ҳам улар каби хушбўй бўлиб кетдим, – деган экан.**

Дарҳақиқат, аёллар ҳам ҳаётимизни ана шундай гўзалликка, мазмунга, бахтга буркаб туради. Уларнинг қўшган ҳиссаси, самимий меҳнатлари эвазига жамият ривожланади, оилалар мустаҳкам бўлади. Сўз муддаоси билан деганларидек, сизга ҳикоя қиладиган қаҳрамонимиз ҳам нафақат оилада, ишда ҳам ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиган, фидойи инсон.

Гулчеҳра Аблакимова 1974 йил 4 январда Қорақалпоғистон Республикасида таваллуд топган. Нукусда ўрта ва олий таълимни олган. Қорақалпоғистон давлат университетининг агроинженер ихтисослиги бўйича тамомлаган. Университетда ўқиш давомида китоб ўқишга иштиёқи, илмга чанқоқлиги билан ажралиб тургани учун дастлабки карьерасини ўша пайтларданоқ бошлаган. Университет кутубхонасида етакчи кутубхоначи сифатида фаолият юритган. Бу давр мобайнида ўз устида жиддий ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига (2000 йилда Ўзбекистон архитектура ва қурилиш қўмитаси бўлган) иш юритувчи сифатида ишга қабул қилинади.

Қарийб 25 йиллик фаолияти давомида дастлаб иш юритувчи, Иқтисод бўлимида етакчи мутахассис, Назорат бўлимида иш олиб борди. Ҳозирда вазирликнинг Мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва буюртмачи хизматлари билан ишлаш бўлимида етакчи мутахассис сифатида фаолият юритиб келмоқда. Узоқ йиллик фаолияти, тажрибаси давомида юзлаб ёшларга устозлик қилиб, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Гулчеҳра опанинг меҳнатлари муносиб баҳоланган. У “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги”, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги”, эсдалик нишонлари билан тақдирланган.

Бу йил 50-баҳорини қаршилаётган Гулчеҳра Аблакимова 2 фарзанднинг онаси. Зиёли она фарзандларининг таълим-тарбиясига жиддий эътибор беради. Иккала фарзанди ҳам нуфузли олийгоҳ талабалари. Бу бир аёл учун катта муваффақият, ҳам фахр, деб бемалол айтишимиз мумкин.



Айни ёшининг ярмини битта даргоҳда ўтказган, бор кучини унинг ривожланишига сарф қилган, ўз касбига садоқатли қаҳрамонимизни ва Гулчеҳра Аблакимова орқали вазирлик ҳамда унинг тизимида меҳнат қилаётган барча опа-сингилларимизни 8 март – Хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Оилавий бахт ва хотиржамлик, касбий муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Ҳамиша баҳордек очилиб, қуёшдек порлаб, фарзандлар роҳатини кўриб юриш насиб қилсин.

# У қурган бинолар асрни асрларга боғлайди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Жамиятимиз ривожини хотин-қизларимизнинг иштирокисиз тасаввур қилиш мушкул. Улар қалбида қанчадан-қанча муаммолар тўпланиб қолгани қаторида ташаббуслар ҳам тўлиб ётгани кейинги йилларда ишбилармонларга давлат томонидан яратилган имконият ва шароитлар мисолида яққол кўзга ташланмоқда.**

Бугун қайси соҳага назар солинса, барчасида опа-сингилларимизнинг фаол иштироки бор. Айниқса, мураккаб соҳалардан бири, қурилиш ишларида ўз тақдири ва келажагини тикканларни ҳақли равишда жамият меъморлари, деса арзийди.

Хоразм вилоятининг Гурлан туманилик Руҳияхон Каримова вақти келиб тадбиркорликка йўналтирган лойиҳасини қурилиш ва бунёдкорлик билан боғлайди деб ҳеч ким ўйламаган эди. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Касби шифокор бўлгани учун вилоят онкология диспансерида ишлаб юрган кезлари кўплаб беморларни даволаш даврида хасталик йил сайин кўпайиб бораётганининг асосий сабаби нимада эканини аниқлаш мақсадида уларнинг яшаш шароити билан ҳам қизиқади. Вақтини аямасдан туман ва шаҳарлардаги бир қанча хонадонларга кириб, уйдаги шароитларни ўрганади ва хасталик асосан одамларнинг аксарияти зах уйларда яшаши туфайли экан, деган хулосага келади.

Шу хулоса сабаб севган касбини чеккага суриб, бунёдкорлик билан шуғулланиб, замонавий уйлар қуриш орқали фуқароларни тезроқ турар жойли бўлишларига ҳисса қўшишга ундайди. Вақти келиб, танлаган йўли панд бермаслик учун қурилиш соҳаси билан боғлиқ китоблар ва манбаларни ўқиб-ўрганди, ён-атрофдаги қурилиш корхоналарига бориб, мутахассисларнинг маслаҳатларини қулоғига олди. Яхши ниятли кишининг ишлари ҳам доимо бароридан келаркан. Ўзига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, тайёрлаган лойиҳасини банкка тақдим этди ва зарур маблағ ажратилгач, “Адамбой-Шукуржон” масъулияти чекланган жамиятини тузиб, соҳада тажрибага эга кишиларни ҳамда вақтинчалик ишсиз мақомидаги ёшларни тўплаб ишга киришди.

Урганч шаҳридаги Ғалаба кўчасида қурилиши мўлжалланган кўп қаватли турар жой учун ўтказилган танловда илк бор қатнашгани ҳеч эсидан чиқмайди. Ўшанда биринчи марта талабгорлар орасида аёл киши ҳам борлиги айрим иштирокчиларнинг эътирозларини келтириб чиқаргани бор гап. Шунга қарамай, Руҳияхондаги имкониятлар комиссия аъзоларига маъқул келгани боис объектни унга ишониб топширишди. Аслида дастлабки киришган иши ҳам синов, ҳам масъулият бўлиб, келажакда шу соҳада фаолият юритиш ёки аксини белгилаши мумкин эди.

Ишга киришиш аввалида буюртмачи ва қурилиш материалларини етказиб берувчи корхоналар билан мустаҳкам ҳамкорликни шакллантириб, ишчи-ходимларга етарли шароитлар яратиб бергани мақсадига эришишга имкон яратди. Лойиҳада қаерда қандай юмушни бажариш ва қайси материалларни қўллаш лозимлиги кўрсатилган бўлса, барчасини ўз ўрнига қўйиб, муддатидан аввал иншоотни қуриб битказди.

Сидқидилдан қилинган ҳаракатлар ўз натижасини берди. “Адамбой-Шукуржон” МЧЖ корхонасига буюртма берадиганлар сони йил сайин орта борди. Жумладан, Урганч шаҳри ва вилоятнинг бошқа туманларида қад ростлаган ўнлаб коттежлар, шифохоналар, болалар боғчаларию, маъмурий биноларда ана шу жамоа бажарган меҳнатлари мужассам. Яқинда Урганч шаҳридаги Истиқлол кўчасида бунёд этилган 7 қаватли, 5 йўлакдан иборат 120 хонадонга мўлжалланган турар жойнинг қурилиб, фойдаланишга топширилгани жамоа томонидан уй-жойга муҳтож кишиларга яна бир туҳфа бўлди.

“Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да ҳам Руҳияхон катта мақсадлар тадоригини кўриб қўйган. Режага кўра, вилоятдаги айрим шифохоналарга қўшимча хоналар қуриш ниятида. Айни кезларда шу бўйича лойиҳалар устида изланиш қилмоқда. Ўз келажагини юрт ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлаган Руҳияхон сингари опа-сингиллар барчамизнинг фахримиздир.



# Чизган лойиҳаларида қалб қўри, юрак амри бор

**Бугунги кунда қайси соҳага назар солсангиз, барчасида эркакларимиз қаторида хотин-қизларнинг фаол иштироки кўзга яққол ташланади. Айниқса, энг масъулиятли ҳамда шарафли касблардан бири, бунёдкорлик ишларида улар бажараётган юмушларни айтиш жоизки, ҳар қандай киши ҳам эплай олмаслиги мумкин. Осмон билан бўйлашаётган бинолардан баландда турган ҳолда ҳеч нарсани писанд қилмасдан замонавий техникалар мурувватини бошқариб, қурувчиларнинг оғирини енгиллатаётган, темирдан тайёрланаётган ускуналарни бир-бирига пухта пайвандлаётган аёлларга қараб, ҳар қанча тасаннолар айтса кам.**

Юртимиздаги ислоҳотлар шарофати билан халқимизнинг энг қийналган қатлами, опа-сингилларимизнинг турмуш-тарзи тубдан ўзгарди, имкониятларига кенг йўл очилди. Сирдарёлик Шаҳнозахон Тўлқинова ана шу ислоҳотлардан баҳра олган қизларимиздан. Халқимиз “Катта карвон қайси томонга бошласа, издошлари ҳам шу йўлдан юради” деб бежизга айтмаганини уни камолга етказган оила мисолида кўриш мумкин. Падарибузруквори Толибжон ва онаси Шарипа Абдиқодировалар лойиҳачилик соҳасида вилоятда ибрат кўрсатаётганлардан. Улар тайёрлаган замонавий лойиҳалар бугунги кунда туман ва шаҳарларнинг кўркам ҳамда обод бўлишига муносиб ҳисса қўшаётир.



Шаҳнозахон ёшлигидан турли чизмаларни чизишга одатланди. Дарсдан сўнг бўш вақт топди дегунча ота-онаси ишлаётган “Сирдарё мукаммалтаъмир лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятига бориб у ердаги ёшларнинг ишлари билан қизиқди. Вақти келиб, Тошкент архитектура- қурилиш институтига ҳужжат топширганда соҳадан анча-мунча хабардор экани қўл келди. Олий даргоҳ нафақат касб сирларини, балки ҳаётда изланиб, ташаббуслар кўрсатишни ва янгиликлардан ортда қолмасликни ҳам мукаммал ўзлаштириб боришга имкон яратди.

Таътил ва амалиётлар даврида ўзи билган корхонага бориб, буюртмачиларнинг турли лойиҳаларини чизишда жамоага кўмаклашди. Институтнинг охирги босқичида ўқиётган давр эди. Дипломни ҳимоя қилиш жараёнида тайёрлаган иши уни ҳақиқий синовдан ўтказди. “Эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлган бир хилдаги лойиҳалардан воз кечиб, жаҳон тажрибасида қўлланилаётган лойиҳаларни барча турдаги қурилишларга киритиш юзасидан нималарга эътибор қаратиш керак” мавзуидаги иши комиссия аъзоларининг баҳс-мунозараларини келтириб чиқарди. Уларнинг аксарияти иқтидорли талаба бажарган изланишни қўллаб-қувватлаб, салкам илмий иш даражасида эканини эътироф этган бўлса, “Катта маблағ талаб этадиган бу лойиҳа шунчаки ҳавасда чизилган”, дегувчилар ҳам топилди.

Хайриятки, давр ўзгарди, энди одамларимиз ҳам аввалги кайфиятда эмас, югуриб-елиб ишлайдиган пайт келганидан миннатдор. Ислоҳотлар жараёнида давлат раҳбари бошлаб берган ташаббуслар бошқалар сингари Шаҳнозахон каби минглаб ёш мўйқалам соҳибларининг фаолияти янада чархланиши ва жаҳонда синалган тажрибаларга таяниб, изланишлар асосида янгидан-янги лойиҳаларни соҳага татбиқ қилишга йўл очди.

Гап шу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатлари ҳақида бораркан, улар зиммасида катта масъулият турганини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки тайёрлаган лойиҳалари асосида кўп қаватли турар жойлар, мактаб ва маъмурий бинолар, шифохоналар ва бошқа турли кўринишдаги иншоотлар қурилгач, у биноларда фуқаролар хавф-хатардан ҳадиксирамасдан эркин яшаши, фаолият юритиши керак. Шу сабабли қаламини қайси томонга юргизса ҳам барчасининг аввалида ана шундай масъуллик ётади. Чизган чизгиларида қалб қўри, юрак амри сингиб кетганини ҳар қандай киши ҳам ҳис қила олмаса керак.

Бундай масъуллик Шаҳнозахоннинг вужудига сингиб кетгани учун мустақил равишда ҳудудларни ободонлаштиришга йўналтирилган илк лойиҳаси вилоят мутасаддилари ўртасида муносиб баҳосини олди ва орадан ҳеч вақт ўтмасдан тажриба тариқасида дастлаб Гулистон шаҳри, сўнгра вилоятнинг айрим туманларида татбиқ этилди.

Яхши ёзилган асарни мухлислар қайта-қайта ўқисаларда, барибир яна мутола қилгиси келаверади. Худди шу сингари ҳар томонлама мукаммал тайёрланган лойиҳага ҳам талабгорлар ортаверар экан. Айтмоқчимизки, кейинги йилларда Шаҳнозахон Тўлқиновани “Сирдарё мукаммалтаъмир лойиҳа” МЧЖ корхонасига сўраб келувчи буюртмачилар сони ортиб бормоқда. Шижоатли ва соҳани пухта эгаллаган ходиманинг вилоят Марказий банк биносини реконструкция қилиш, туман ва шаҳарлардаги Ички ишлар бўлимларининг биноларини реконструкциялаш ҳамда қўшимча хоналар бунёд этиш, шунингдек, Сирдарё вилояти марказида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини қуриш, инвестиция дастури доирасида мактаб бинолари лойиҳасини тайёрлаш каби ўнлаб ишлар унинг қаламини янада чархлаш баробарида ҳамкасблари ўртасида ўз ўрнини топишини таъминлади.

Дарвоқе, ўрни келганда айтиш керак, диплом ишида у кўтарган масалалар бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида кенг татбиқ этилиб, бири-иккинчисини такрорламайдиган иншоотларда ўз аксини топмоқда. Шу жумладан, Сирдарё вилоятида қад ростлаган кўплаб турар жойларнинг асосида Шаҳнозахоннинг ҳам ҳиссаси борлигини соҳадагилар яхши билишади.

Ижодкорлардан бири “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китоблардан миннатдорман”, деган экан. Шаҳнозахон ҳам вилоятдаги лойиҳачилар орасида ўз ўрнини топгани ҳамда улар билан доимий равишда ҳамкорлик қилаётгани учун устозлари, отаси Толибжон ва онаси Шарипахонлардан бир умр миннатдор.

# Ҳар бир соҳада касбга муҳаббат муҳимдир

**Муродбек ҲАЙДАРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қайси касб ёки ҳунар бўлмасин, уни севиш ва унга масъулият билан ёндашиш муҳим саналади. Чунки инсон ўз ишини севаркан, ундан чарчоқ ўрнига иштиёқ олади. Айнан мана шу иштиёқ келгуси муваффақиятлар учун пойдевор бўлиши мумкин. Қуйида сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳам ўз ишига иштиёқ билан ёндашади, десак муболаға бўлмайди.**

Арофат Эрматова 1986 йилда Тошкент шаҳрида туғилган бўлиб, ҳозирда 3 нафар фарзанднинг онаси. У 2008 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси ихтисослиги бўйича бакалавриат, 2010 йилда эса Амалий санъат йўналиши бўйича магистратурани тамомлаган. 2008 йилдан ҳозирги кунга қадар “Ўзоғирсаноатлойиҳа” институтининг Техник бўлимида инженер, мутахассис, ахборот бўйича етакчи мутахассис лавозимларида фаолият юритган.



Ўз устида ишлаб, билим ва кўникмаларини ошириб борадиган Арофат Эрматова 2022 йилда Тошкент архитектура-қурилиш университетининг Бино ва иншоотларни лойиҳалаш факультетига ўқишга кирган. Ҳозирда “Ўзоғирсаноатлойиҳа” институти Архитектура-қурилиш секторида катта муҳандис конструктори лавозимида фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, қаҳрамонимиз сифат менежменти тизими ИСО 9001 бўйича махсус курсларда таҳсил олиб, оғир саноат тармоғида қурилиш объектлари хавфсизлигида замонавий технологияларни қўллаш бўйича малака ошириш ўқув-курсларида иштирок этиб, махсус сертификатни қўлга киритган.

Арофат Эрматова меҳнат фаолияти давомида “Ўзоғирсаноатлойиҳа” институтида тайёрланган лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларни ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил қилиб боради. Шу билан бирга, бир қатор норматив ҳужжатларни кўриб чиқиб, уларни янада мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида қайта тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда. У лойиҳалашда қўлланиладиган AutoCAD, Photoshop, Revit каби замонавий дастурлар билан ишлашни ўрганган ҳолда амалиётда самарали қўллаб келмоқда.

Булардан ташқари, институтда олиб борилаётган иш жараёнлари, соҳадаги янгиланиш ва ўзгаришлар, амалиётга жорий этилаётган янги лойиҳалар ва уларнинг самараси, кадрлар салоҳияти, умуман, ушбу даргоҳнинг бугунги ҳаётини оммавий ахборот воситалари, жумладан, ижтимоий тармоқлар, газета ва журналларда ёритиб боришда ҳам ўзининг фаоллигини кўрсатиб келмоқда. Айни мавзу юзасидан ёзилган кўплаб мақолалари маҳаллий нашрларда бериб борилади.

– Инсон ўз касбини севса, ишлаб чарчамайди, аксинча, ундан роҳатланади, энергия олади, – деди Арофат Эрматова. – Ҳар куни уйдан ишга келарканман, ўзимга ёқадиган ишим борлигидан мамнуният ҳис этаман ва Яратганга шукрона келтираман. Аслини олганда, касбга бўлган муҳаббат ва иштиёқ барча соҳа вакиллари учун муҳим жиҳат. Мен шундай касбни танлаганим ва мана шундай аҳил жамоа билан бир майдонда фаолият олиб бораётганимдан фахрланаман.

Қилган меҳнатларининг самараси ўлароқ, 2023 йил 13 августда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида самарали меҳнат қилаётган моҳир қурувчилар, лойиҳачилар, муҳандислар сафида фидокорона фаолият олиб бораётгани ҳамда Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Арофат Эрматовани ва у орқали соҳада фаолият юритаётган аёлларни, қолаверса, барча юртдош опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан муборакбод этамиз! Гўзал юзингиздан ҳеч қачон табассум аримасин! Умрингиз узун ва мазмунли, ҳаёт йўлингиз ҳамиша чароғон бўлсин, азиз опа-сингиллар!


"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" ДМ
va uning hududiy filiallari jamoalari
Yurtimizning barcha ayollarini
8 mart - Xalqaro xotin-qizlar kuni
bilan tabriklaydi.
Ayollari ardoqlangan yurt qudratli bo'ladi,
shu bois, yurtimizda xotin-qizlar doimo e'zozda.
Aziz ayollar, opa-singillar-u munisa qizlar,
hamisha ardoqda, e'zoz va hurmatda bo'lish
har biringizga nasib etsin!